



М. Жакбаров Ш. Аббасова

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР**

ТОШКЕНТ-2014



М.Жакбаров, Ш.Аббасова

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР

(Илмий – маърифий адабиёт)

SamDTU
axborot-resurs markazi

Тошкент – 2014

УДК: 323.1 (5751)

КБК: 74.200.50

Ж 19

Муаллифлар: М. Жакбаров, Ш. Аббасова

Масъул муҳаррир: А. Яхшиев, тарих фанлари номзоди

Муҳаррир: А. Тилавов, филология фанлари номзоди

Такризчилар: В.Кўчқоров, сиёсий фанлар доктори
Б.Хусанов, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ушбу китоб Республика миллий ғоя ва мафкура Илмий амалий маркази, Илмий услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Мазкур китобда жамият манфаатлари ва ҳудуд омили, мустақиллик ва ҳудудни англаш муаммоси, миллий ғоянинг жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, жамият, давлат, ғоя ва инсон ўртасидаги ўзаро уйғунлик, ҳамкорлик ва ҳамнафаслик – мамлакатимиз барқарор тараққиётининг таянч омили ва зарурий шарти эканлиги таҳлил этилган.

Китоб ушбу масалаларга қизиқувчи тадқиқотчи-изланувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш кўмитасининг А-1-090 лойиҳаси асосида тайёрланган.

Жакбаров М., Аббасова Ш. Миллий ғоя ва миллий манфаатлар.
– Т.: “Sano-standart” нашриёти, 2014. – 64 бет.

УДК: 323.1 (5751)

КБК: 74.200.50

Ж 19

ISBN 978-9943-4110-4-3

© М. Жакбаров, Ш. Аббасова

© «Sano-standart» нашриёти, 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Жамият манфаатлари ва ҳудуд омили	8
2. Мустақиллик ва ҳудудни англаш муаммоси	22
3. Миллий ғоя – жамият барқарорлиги таянчи	33
4. Замон билан ҳамнафас миллий ғоя – барқарорлик ва хавфсизлик гарови	47
Хулоса	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	60

К И Р И Ш

Маълумки, муайян тарихий босқич доирасида кечаётган воқеа-ходисаларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ўтган даврлардагига нисбатан бутунлай бошқача эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Демак, уни тўлақонли идрок этмоқ учун тамомла янгича ёндашувлар ва тамойилларга мурожаат қилишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Бу борадаги энг долзарб вазифамиз – ...барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукамал очиб бериш” зарур¹.

Ижтимоий мавжудот ҳисобланган инсон ҳеч қачон якка ўзи ҳаёт кечирмаган, яъни унинг бугуни ва келажаги, моддий ҳамда маънавий равиши жамият билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бошқа мавжудотлардан фарқли ўларок, инсон том маънода ижтимоий феномен сифатида жамият тараққиёти, барқарорлиги, хавфсизлигининг бош субъекти ва масъули ҳисобланади. Хусусий манфаатларининг жамият билан алоқадорлигини у ёки бу даражада идрок этган инсонгина ўз фаолиятида муттасил ақл-заковат соҳиби сифатида манфаатларининг ижтимоийлигини чуқур англаш сари боради. Яъни жамиятнинг ҳолатига нисбатан бефарқ бўлмайди. Шу тариқа, ҳаёти унинг ютуқлари, бахт-саодати ва равиши билан уйғунликда кечади.

Инсоннинг жамият билан ҳамжиҳатлигини таъминлаш, ўз ҳаёт фаолиятини ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан узвийликда идрок этиши, яъни ижтимоийлашуви учун мавжуд шарт-шароитлардан ташқари, уни рағбатлантирувчи кучлар ҳам бўлиши даркор. Ушбу ўринда инсоннинг жараёнларга ижобий таъсир этиш имкониятлари, ресурслар ҳамда интеллектга эга давлат, аниқроғи, давлат ҳокимияти назарда тутилмоқда. Шундай экан, жамият равиши ва тадрижийлиги учун фуқаролардан, яъни жамият аъзоларидан ташқари, биринчи навбатда, Президентимиз айтганларидек, “шу заминда яшаётган халқнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор бўлиши лозим

¹ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 124.

бўлган раҳбар шахслар”¹нинг ўз жавобгарлигини чуқурроқ хис этиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, жамиятдаги сиёсий-иқтисодий ёки ғоявий-мафкуравий жараёнлар илмий бошқарувни тақозо этади. Гап жамият бағридаги мавжуд чексиз имкониятлардан омилкорлик билан фойдалана билиш санъати ҳақида бормоқда.

Давлатнинг бошқариш, мувофиқлаштириш, қолаверса, кенг ижтимоий имкониятлардан фойдаланиш салоҳияти кескин янги-ланишлар асносида яққол намоён бўлишини тажриба кўрсатиб турибди. Зеро, жамиятнинг истиқболда қандай шакл ва мазмун касб этиши кўп жиҳатдан юқорида келтирилган вазиятларга бориб тақалади. Замон билан ҳамнафас ва боғлиқ жамиятлар ер юзида талайгина эканлигини жаҳон тажрибаси исботламоқда. Одатда, жамият, давлат, сиёсий ва бошқарув муассасаларининг салоҳияти айнан шу ўзгариш орқали яққол намоён бўлади.

Бунда, бир томондан, имкониятлар кўлами кенгайди, иккинчидан, унга тўсқинлик қилувчи унсурлар, жараёнлар ҳам етарли даражада мавжуд бўлади. Шундай экан, жамиятда имкониятлар кўлами кенгайиши баробарида унинг хатога йўл қўймаслигига тўлиқ қафолат ҳам йўқ. Бундай шароитда хатога йўл қўйиш жамиятга, унинг ҳар бир манфаатдор аъзосига жуда қимматга тушиши, охир-оқибат улкан йўқотишларга сабаб бўлиши табиий. Демак, бугуни ҳамда келажакнинг муайян асос ёрдамида белгилаш қобилияти ва имкониятига эга жамиятгина ўзлигини асраб қолиши мумкин. Шундай таянчлардан бири миллат ғоясидир.

Кўриб турганимиздек, миллий ғоя зарур пайтда мадад сифатида ташқаридан тикиштириладиган омил эмас. У, биринчидан, миллат, жамиятнинг бир неча минг йиллик тарихий тажрибасининг маҳсули бўлса, иккинчидан, халқнинг асрлар оша қадриятига айланиб, унга маънавий озуқа беради, учинчидан, жамиятдаги барча табақалар унинг таъсири остида вужудга келади. Шундай экан, миллий ғоя жамият барқарорлиги, хавфсизлиги ва тадрижийлигини таъминлаш нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва интеллектуал омиллар билан бир сафда туради. Қадриятлар орасида ташқи таъсирларга нисбатан кам бериладиган қадрият сифатида миллий ғоя жамият учун ўта долзарб ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. “Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезон ва мақсадидир”. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 13.

Миллий ғоянинг сифатий хусусиятлари, бугунги мураккаб, воқеаларга бой шароитда янада яққол намоён бўлмоқда. Воқеалар йўналиши, ижтимоий тартибот дунё миқёсида шу қадар кескин ўзгариб бормоқдаки, жамият барқарорлиги, тараққиёти хавфсизлиги, қолаверса, истиқболи билан боғлиқ анъанавий омиллар, таянчларнинг жамият учун бир маромда хизмат қилиши мураккаблашиб бормоқда. Зеро, маънавий-руҳий ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам жамиятгина салбий таъсирларга бардош бера олади. Шу боис кейинги пайтларда деярли барча давлатларда аниқ анланган ғоявий-маънавий асосни излаш кўзга ташланмоқда. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, у пайтларда жамиятни асраш учун анъанавий ресурслар (моддий, демографик, географик, ҳарбий ва бошқа) ҳамда қуролланган кўп сонли армиянинг ўзи кифоя қилган.

Ҳозирги жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, юқорида таъкидланган маънавий ҳолат барча давлатлар, жамиятлар учун ўзига хос қийинчилик туғдирмоқда. Ўз халқи тўқ, фаровон ва истиқболи порлоқ бўлиши учун жамият қандай йўл тутиши лозим? Қудратли иқтисод, кучли сиёсий тузилма, илм-фан ҳамда технологиялар бобида улкан ютуқларни қўлга киритиш орқали жамият барқарорлигини тўлақонли таъминласа бўладими? Жамият барқарорлигига ғоявий-маънавий йўл билан эришиш мумкинми?, деган бир қатор жиддий саволлар ўз жавобини кутмоқда. Мустақиллик даврида Ўзбекистон фуқаролари юқоридаги саволларга ижобий жавоб олди, десак бўлади. Чунки ушбу саволларга жиддий муносабат билдирган давлатларгина тарихнинг бугунги босқичидаги қийинчиликлар синовидан муваффақиятли ўтди.

Ўзбекистон мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида том маънода, жиддий қийинчиликларни бошидан кечирди. Миллий ривожланиш йўлини, асрлар оша маънавий-руҳий таянч вазифасини ўтаб келган ўз ғояси, қадриятларини ҳимоя қилиш, уларни зарур лаҳзаларда эл-юрт равнақи йўлида сафарбар этиш ҳар бир суверен давлатнинг табиий ҳуқуқидир. Ўз миллий қадриятлари, миллат шижоатининг замирида ётган миллий ғояга эътибор ва эҳтиром кўрсата олган давлатгина халқаро майдонда ҳам муносиб ўринга эга бўлади. Бундай давлат ҳеч қачон бировлар ҳисобига миллий манфаатларини рўёбга чиқариш йўлидан боришга интилмайдди. Мамлакат давлатлараро ва цивилизациялараро муносабатларни ҳам маърифийлаштиришда давом этади. Шу маънода, Ўзбекистон жамиятшунослари (тарихчилар, файласуфлар, психологлар, социологлар, маданиятшунослик

ва ниҳоят сиёсатшунослар) олдида ҳам илмий ечимини кутаётган жиддий вазифалар мавжудлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Илм-фан вакилларининг вазифалари жамият, давлат, қолаверса, миллати олдидаги ватанпарварлик бурчи, сиёсий устуворликларни аниқ белгилашда фаннинг ўрни ва роли, миллий манфаатларни зарур даражада таъминлаш, жамият тараққиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги йўлида илм аҳли амалга ошириши лозим бўлган ишлар билан белгиланиб келган. Бугунги тезкор ривожланиш даврида илм қонун чиқарувчи ҳамда ижро органларига, тегишли муассасаларга яқиндан ёрдам бермоғи лозим.

Илм билан сиёсат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган жамиятда тараққиёт ва барқарорлик бўлиши аллақачон ўз исботини топган. Қаерда жамият, давлат, миллат, ғоя ва инсон ўртасида уйғунлик, ҳамкорлик ва ҳамнафаслик мавжуд бўлса, ўша мамлакатнинг бугуни ва истиқболи тўла таъминланади.

Ушбу рисолада тараққиётимиз нуқтаи назаридан миллий манфаатларни сарҳисоб қилиш ва устуворликларини белгилашда миллий ғоянинг ўзига хос мезон, тамойил ҳамда мувофиқлаштирувчи восита сифатидаги ролини кўрсатиб беришга, шунингдек, жамият устуворликлари, мақсад ва вазифалари борасида умумхалқ яқдиллигини таъминлашда миллий ғоянинг таянч омил эканлигини асослашга ҳаракат қилишган.

1. Жамият манфаатлари ва ҳудуд омили

Табиий омиллар, унинг таркибий қисми сифатида географик жойлашув ёки шарт-шароитлар тўғрисида сўз борганда, кўпинча, уларга нисбатан қандайдир бепарволик, писандсизлик ва охири-оқибатда ижтимоий-сиёсий жараёнлар тизимидан “кўмакчилик” роли ажратилишига дуч келамиз. Атроф-муҳит муаммоси келиб чиқмаса, аниқроғи, ундаги ўта салбий ўзгаришлар ижтимоий жараёнларга салбий таъсир қилмаса, балки атроф-муҳит, демакки, умргузаронлигимиз кечаётган заминимиз тўғрисида бу қадар жиддий фикр-мулоҳазалар кўпаймаган бўлар эди. Табиий омилларни жонсиз бир нарса деб, уларга ўта менсимаслик билан ёндашувнинг бугун нафақат фойдасиз, балки зарарли эканлиги аниқ бўлиб қолди. Шу ўринда, россиялик олимлардан – О.Сергеев ва Г.Платоновларнинг: “Ижтимоий фикр тарихида социал жараёнларни таҳлил қилиш ва тушунтириш билан бир пайтда, унинг асосида турган табиий омилларга писандсизлик билан қараш нотўғри.

Ўрганилаётган воқеа ёки ҳодиса кўламини табиий омилни кўшиш орқали беқиёс кенгайтириш жамиятни ўрганишда фаол ҳаракатдаги бошқа субстанцияларни ҳам ўз ичига қамраб олувчи сифат жиҳатдан “ўзгача” бўлган табиий омилни ҳисобга олиш, таҳлилнинг бошқа бир тизимини яратиш имкониятини яратади. Пировардида, жамият тузилмаси, ривожланиши ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ҳодисалар моҳиятан ўзгача аҳамият касб этади. Яъни таҳлил параметрларини кенгайтириш орқали тадқиқот натижаларини ҳам тубдан ўзгартириш имкониятини қўлга киритамиз”,¹ – деган асосли фикрларини келтириш жоиз.

Ҳозирги замон фани инсон ақлу заковати ва онги, умуман олганда, жамиятни табиий омиллардан, қолаверса, оламдаги барча табиий жараёнлардан айри ҳолатда олиб қарамайди. Шулар орасида XX асрнинг бошларидан мутахассислар эътиборини ўзига жалб қилган “космизм” концепцияси алоҳида аҳамиятга эга². У тушунча ва методологик услуб сифатида биринчи бор ўтган асрнинг 30-йилларида рус файласуфи С.Булгаков томонидан муомалага

¹ Сергеев О.А. Платонов Г.В. Природный фактор в цивилизационной концепции. – Москва. Сер.7, философия. – №6, 2001. – С. 53.

² Цыганков А.П. Что для нас Евразия? Стратегии российского освоения пространства // Вопросы философии. – №10, 2003. – С. 14-15.

киритилди. Аслида бу тушунча юнонча “космос” сўзидан олинган бўлиб, ундан антик давр алломалари – Анаксагор, Гераклит, Пифагор, Демокрит, Платон, Аристотель ва улардан кейин яшаган кўпчилик Европа фалсафаси вакиллари кенг фойдаланишган. Юкоридаги алломалар ҳамда дунёнинг турли бурчакларида муваффақиятли илмий фаолият олиб бораётган бугунги олимлар саъй-ҳаракати натижасида инсонни вояга етказаётган замин, муҳитга бўлган ёндашув тўғри йўналиш касб этди. Худуд билан боғлиқ омилларни деярли инкор этувчи антропоцентрик, соцоцентрик қарашлар ўрнини худудга нисбатан илмий муносабатда бўлиш эгалламоқда, соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, “илм-фан, эндиликда, ахлоқий қарашларга бўйсунушга мажбур бўлмоқда”¹. Гап бугун худуд омилини қайта тушуниш, керак бўлса, қайта идрок, умуман, унга нисбатан анъанавий тарзда шаклланиб қолган муносабатларимизни қайтадан сарҳисоб этиш лозимлиги ҳақида бормоқда.

Қизиғи шундаки, илгари сиёсий фанлар, политологик ҳамжамият барча параметрлар бўйича диний қарашлар билан мунозарага киришган бўлса, бугун замона зайли билан “яланғоч реализм”, “объективизм”дан йироқлашиб, ахлоқ ёки қадрият билан боғлиқ этик омиллар сари юзланишга мажбур. Зеро, илмий натижалар, янгиликлару хулосалар сиёсий қарорлар қабул қилишга масъул шахсларнинг кўлига бориб тушади. Шунга кўра, худудий муаммоларга нисбатан расмий муносабатларни шакллантириш эҳтимоли катта.

Тарихий ва соцоологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир худудда давлатчилик турли тараққиёт босқичларида хилма-хил шаклларда намоён бўлган. Олимлар Евроосиё худудига нисбатан, масалан, қуйидаги эволюцияни тавсия этишган:

1. Ягона давлатчилик (скиф давлати) – давлатлар тизими (сарматлар, готлар).
2. Ягона давлатчилик (Хуннлар империяси) – давлатлар тизими (аварлар, хазарлар, Кама булғорлари).
3. Ягона давлатчилик (Мўғуллар империяси) – давлатлар тизими (Олтин Ўрда, Чиғатой, Русь, Казань, қирғизлар, ойратлар, мўғуллар)

¹ Русская философия. Малый энциклопедический словарь. – М., 1995. – С. 201.

4. Ягона давлатчилик (Россия империяси СССР) – янги мустақил давлатлардан иборат тарихий панорама¹.

Шунингдек, бугунги Марказий Осиёга нисбатан ҳам юқоридаги схематик тарздаги эволюцияни қўлласак, минглаб йиллар мобайнида худди шу жараён кечганлигини, яъни ҳудуд мангу қолгани давлатчиликнинг турли вариантлари келиб кетганлиги ёхуд ўрин алмашганлигини кузатиш мумкин.² Лекин шу ўринда бизни қизиқтирувчи бир нарса бор – шу сиёсий ўзгаришларга нисбатан ҳудуд нейтрал қолавердимиз? Албатта, йўқ. Биринчидан, ҳудуднинг конфигурацияси, албатта, сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатади. Иккинчидан, турли-туман ташқи ва ички таъсирлар туфайли ҳудуддаги вазият ўзгариб, унда жойлашган давлатларнинг сиёсий камров қобилияти янгиланиб борган. Хуллас, сиёсий харитагина эмас, ҳатто ижтимоий харита ҳам ҳудуддаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, жамият билан қадам-бақадам ҳудуд ҳам ўзгариб боради ва у ўзига тўғри муносабатда бўлишни талаб қилади. Лекин бу талабнинг амалга ошиш-ошмаслиги, биринчи навбатда, шу ҳудудда истиқомат қилаётган халқнинг салоҳияти, хоҳиш-иродаси асосида шакллантирилган сиёсий ҳокимиятнинг обрў-эътиборига боғлиқдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, “замин, тупроқ серкирра ва сон-саноксиз кенгликлараро муносабатлардан иборат. Айнан шу муносабатлар, сиёсатда ўз аксини топади. Шу боис, у барча сиёсатга хос тоифаларни ўз бағрида сақлаб келади. Демак, ҳар бир ҳудуд ўз “ички географияси”га эга бўлган ҳолда, эҳтимолий маконий муносабатлар учун қандайдир ботиний битмас-туганмас ресурслар мажмуаси тарзида тафаккурдан жой олиши ва шундай тушунилиши лозим”³. Шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Биринчидан, масъул шахслар ҳудуднинг кўлами кенг ва ранг-баранг ижтимоий муносабатлар ўчоғи ҳамда сиёсатга (у ички ёки ташқи бўладими, ундан қатъи назар) шунчаки нейтрал эмаслигини ёдларидан чиқармаслиги; иккинчидан, географик муҳитдаги ранг-баранг ижтимоий муносабатлар, жараёнларга объектив, ҳис-

¹ Вернадский Г.В. Начертание русской истории // Евразия. Исторические взгляды эмигрантов. - М., 1992. // Вестн. Моск. ун-та, сер.7, Философия. – №6, 2001. – С. 55.

² Сагдуллаев А. Псевдоистория Средней Азии – барьер на пути к интеграции // Бизнес-Вестник Востока, 7.09.2006.

³ Замятин Д. О пространственных отношениях на поверхности земного шара.// Полис. – №2, 2005. – С. 102-103.

ҳаяжонсиз баҳо бериш; учинчидан, ҳар бир алоҳида ҳудуд кўплаб жараёнлар майдони сифатида тан олиними, тўртинчидан, географик муҳит, чегарага эга кенгликка шунчаки оддий картография ёхуд геодезия нуқтан назаридан эмас, кўплаб ижтимоий жараёнларни ўзида мужассам этган она замин деб муносабат билдириш зарур.

Дарҳақиқат, биохимия фанининг асосчиси, атоқли табиатшунос, файласуф В.И.Вернадский¹ замин, ҳудуд ҳақида чуқур мушоҳада юритиб, “тирик ва ўлик организмларда макон ва замоннинг ҳаракати принципиал жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади”, – деган хулосага келган. Олим ушбу ўринда, биринчидан, ҳудудга алоҳида муносабат билдирган; иккинчидан, ҳудуднинг ҳолати, керак бўлса, муайян пайтда унинг ижтимоий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини; учинчидан, минглаб авлодларни ўз бағрига сиғдирган ҳудуд тош, кўмир, газ, нефть ва бошқа табиий бирикмалардан кескин ва мутлақ фарқ қилишини назарда тутган. Яъни Ер куррасига статик ҳолатдаги қотиб қолган бир жисм сифатида эмас, балки унга тарихий ривожланиш билан ҳамоҳангликда², яъни доимий ўзгаришда деб қараш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди.

Ҳудудга бефарқлик натижасида нималар содир бўлганлигига кекса тарих ҳам, бугунги жамият ҳам гувоҳдир. Ҳудудга исталган пайтда қайта таксимлаш объекти деб қараш, маълумингизки, қанчадан-қанча қонли ва самарасиз уруш-жанжаллар, мустамлакачилик сиёсати, жаҳон урушларини келтириб чиқарганлиги ҳеч кимга сир эмас. Дунёдаги барча тўқнашувларнинг асосида замин ва тупроқ масаласи турганлиги олимлар томонидан аллақачон асослаб берилган. Боз устига, ҳудуд ижтимоий тараққиётнинг устунларидан бири бўлиб, барча жараёнлар (ижобий ёки салбий) айнан шу замин бағрида юз бериши, ҳудуд ва ижтимоий жараён оқими ўртасида дисбалансга йўл қўймаслик оғир талафотларга олиб келишига айримлар парво ҳам қилишмаётир. Ҳудудга нисбатан зарарли фантазия, худбинликка берилиш давом этмоқда. Ҳудудни, физик таянчни ўта эркин таҳлил қилиш натижасида шаклланган “гроссраум” – бепоён ҳудуд концепцияси кейинчалик нацистларнинг бош ғоявий йўналиши бўлганлигини ҳамма билади. Замин, яъни сизни елкада кўтариб турган таянч билан ўйнашиш ҳали ҳамон кузатилмоқда.

¹ Симаков К. Концепция реального времени-деления В.И.Вернадского // Вопросы философии. – №4, 2003. – С. 89.

² Шу манба. – С. 90-91.

Лекин ҳар бир халқ, этнос ёинки миллат бўлсин, бу дунёда ўз замини, гўшасига эга. Гап фақат уни авайлаб-асрашда, бу ислом таълимотида (умуман, бу гоё барча жаҳон динларининг марказий нуқталаридан бири) алоҳида акс этган. Яъни бу фоний дунёда яшаб турган хонадон, ҳовли-жойлар, керак бўлса, бошқаларга ҳам уни ато этган Яратганга шукрона қилиш, ўзгалар мулкига хиёнат қилмаслик, нафсни жиловлаш гоёлари мавжудки, уларнинг замирида катта ижтимоий кечинма, ҳатто сиёсат билан бевосита туташлик ҳолати ётибди. Президентимизнинг “Ўз уйингни-ўзинг асра” деган гоёси бугунги кунда барча фуқароларнинг ҳаракат йўналишига айланиб бормоқда. Чунки олимларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунга келиб, дунёнинг бирорта бурчагида тақсимланмаган ер қолмади. Бу борада хомхаёлга бориш бугунги тарихий босқичдан жиддий орқада қолиш билан баробар. Лекин ҳанузгача инсонларнинг онги ва тафаккурини хира торттираётган примитив қарашлар бефойда, энг ачинарлиси, глобал реакцияга сабабчи бўлиши мумкин. Шу муносабат билан тарихга бир назар ташласак.

Айрим мутахассислар мулоҳазасига кўра, мўғулларга хос кенг кўламли экспансияни амалга ошириш бир гуруҳ турли миллат, гуруҳ ва мамлакатлардан чиққан уруғ-аймоқсиз, она нима эканлигини тушунмаган ёки бўлмаса тушунишни мутлак истамаган дарбадарлар, қолаверса, худди шуларга ўхшаган Темучиннинг кечинмалари билан боғлиқ¹. Бу ўринда ҳам, тупроққа меҳр қўйиш, уни ардоқлаш учун, биринчидан, шу заминда киндик қони тўкилган бўлиши кераклиги; иккинчидан, унга бўлган чуқур эҳтиром ҳисси ҳаёт синовлари жараёнида шаклланиши; учинчидан эса ана шу зарур омиллар асосида у билан ўзининг, керак бўлса сиёсий дунёқарашини шакллантириши зарурлиги ҳақида бормоқда.

Шунингдек, худуди ва бошқаларнинг ҳам худди ўзи каби шундай ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этиш, асрлар ва ҳатто минг йилликларни талаб қилади. 700–800 йиллар аввал даҳшатли чўл ва хўжайинларнинг муттасил таҳқирлаши шароитида кун кечирган Чингизхонга айб қўйиш баробарида бугун ҳам худди шундай утопиялар билан яшаб келаётган зўравонлар ҳақида жуда кам фикр юритамиз. Кимлардир кечагина “яхлит”, лекин бугун эса парчаланган “худуди” ҳақида ўйлаб боши қотаётгани ёинки яна аллакимлар турли-туман сиёсий ўйинлар ёрдамида ўзга ҳудудни ушлаб туришга

¹ Тайна Чингизхана // Труд, 2002.18.07.

интилаётганлигини кўриб, уларнинг бизга алоқаси йўқ дея ўзимизни овутамиз. Ҳолбуки, бугунги кунда асосий принциплардан бири дунё давлатлари ҳудудларининг бир бутун ва тақсимланиши мумкин эмаслиги, барча стратегик ниятлари ва мўлжалларини айнан шу принципдан келиб чиққан ҳолда белгилаш лозимлигини тан олиш. Энг муҳими, ўз ҳудудини ўзи бошқариш қобилиятини ошириш, олимлар таъбири билан айтганда, XXI асрда “ҳудудга нисбатан маърифий назорат ўрнатиш зарурати”¹ алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳудудга нисбатан ҳақиқий суверенлик ҳуқуқини қўлга киритиш, уни бошқара билиш, нафақат ўз халқи, қолаверса, дунё барқарорлиги йўлида хизмат қилиш демакдир. Бугунги глобаллашув шароитида дунёда рўй бераётган ҳар қандай акс ҳаракат инсоният учун самарасиз эканлигини тушуниб етиш даркор.

Шу маънода, ҳуқуқ ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантириш нуктаи назаридан инсоният эришган айрим ютуқлар, бошқарувда орттирилган дунё тажрибаси ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Сир эмаски, ҳудудни бошқаришнинг илк шакли – давлатчилик кўринишида намоён бўлади. Умуман олганда, ҳудудий камрови қандай бўлишидан қатъи назар, давлат чегарасининг пайдо бўлиши, энг аввало, ҳудудни бошқаришни тартибга солиш билан боғлиқ. “Геосиёсат, – деб таъкидлайди Д. Муитов, – маълум маънода инсоният томонидан моддий дунёни ўзлаштириш даражасига боғлиқ жараён. Маълумки, Ер шарини ҳудудий бўлиб олиш ва назорат қилишга интилиш глобал геосиёсий тадқиқотни юзага келтирди. Шу боис, илмий-техник тараққиёт ўзининг ҳар бир қадами билан миллатлар тараққиётини геосиёсий жиҳатдан ўзлаштириб борган эди. Масалан, кемасозликнинг ривожланиши дунёни ягона тизимга бирлаштирди ва “сув бўйи” миллатларига континентал миллатлар устидан тўлиқ устунликка эришиш имкониятини яратиб берди. Сўнгра, куруқ коммуникацияларнинг ривожланиши “сув бўйи” халқларнинг устунлигига барҳам бера бошлади. Бу билан континентал ҳудудларни иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жиҳатдан қарам қилиш имконияти кучайиб борган”². Тадқиқотчи ўз фикрини ривожлантириб қуйидаги муҳим бир хулосага келади. “Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичлариданок ибтидоий гоё сифатида

¹ Смирнов А. Уровни геополитического сознания // Вестн. Моск. ун-та. – С.12, Политические науки. – №5, 1999. – С. 47.

² Муитов Д.С. Ҳудудий яхлитлик муаммоси: геосиёсий таҳлил тажрибаси (Ўзбекистон мисолида). Номзодлик диссертация автореферати. – Т., 2003. – Б.11.

намоён бўлган ҳудуд устидан назорат қилиш муаммоси бугунги кун жаҳон сиёсий тафаккурида кучли ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. У моддий база бўлиб, халқларнинг яшаши учун асосдир. Давлат ҳудуди аҳоли билан биргаликда ижтимоий тараққиёт учун зарур асос ҳисобланади...”¹

Шу тарзда, давлат ҳудуди бошқарув заруратидан келиб чиқиб, кичик-кичик қисмларга ажратилиб, сўнгра зарур ҳуқуқий меъёрлар белгилаб қўйилган. Агар эътибор берсак, сиёсат ҳудудни ўзгаришга мажбур қилганлигини эмас, аксинча, ҳудуднинг сиёсий режа, унинг йўналишига таъсир қилганлигини, айрим ҳолларда ҳудуд қайсидир маънода одамларни сиёсий мажбур этганлигининг гувоҳи бўламиз. Қўшимча тарзда ҳудудий ўзгаришлар тадрижийлик асосида рўй бераётган бўлса, бунда асосий жиҳат – “ички туртки”, яъни айрим пайтларда шиддат билан аҳолининг сон жиҳатдан кўпайиши туфайли муайян ҳудуд доирасида унга янги шароит яратилиши зарурати, аҳолининг янгича бошқарув структурасига бўлган эҳтиёжи сабаб бўлганлигини таъкидламоқчимиз. Шу муносабат билан XVIII–XIX асрлар оралиғида яшаган атоқли сиёсий географ К.Риттернинг (Германия) фикрини келтириш лозим: “Сиёсат ҳар доим мавжуд давлатлар, яъни таркибий (маъмурий-сиёсий) уюшган халқлар ҳақида батафсил ахборотга эга бўлишга интилади. Шу мақсад йўлида у муайян халқнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур билишга ҳаракат қилади. Шу асосда сиёсатнинг нафақат ақл тамойиллари, яъни давлат ҳуқуқи фани объекти бўлмиш ҳуқуқий таркиблашиш жараёнидан ташқари, ижтимоий муносабатлар ва эҳтиёжлардан юқори турувчи табиий омиллар, маънавий параметрлари (этнопсихология ёки этнология) ўтмиши (тарихи) ва мавжуд географик муҳит алоҳида эътиборини тортади”². Олимнинг ушбу фикри ҳозирда ҳам ҳудудга, ҳудудий муаммоларга нисбатан ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Давлат (давлатчилик), унинг маъмурий қисмларини (вилоят, туман ва бошқа бирлашмалар) фақат ҳуқуқий тузим, қонунлар тўплами, бошқарув тизими ва маълум ташкилий шаклга бориб тақаш бир томонламаликдир, - деб давом этади юқорида номи зикр этилган олим. Давлатни ноорганик, яъни жонсиз табиатга нисбатан олиб бўлмайди. У муттасил ҳаракатда, фаолиятда, ботиний томонга, яъни ўз жисмига томон ривожланувчандир. Давлат ўз ташкилий тузил-

¹ Муятов Д.С. Ўша манба.

² Қаралсин: // Политические исследования. – №2, 2005. – С. 117.

маларини доимо такомиллаштириб боради, фаолияти доирасида тинимсиз ҳаракатда бўлади¹.

Олим ўз фикрини: “Давлат халқнинг хоҳиш-иродаси, менталитети ҳамда географик муҳит томонидан яратилган имкониятларини рўёбга чиқариш учун ҳормай-толмай интилиб боради”², – деган муҳим бир хулоса билан якунлайди.

Давлат фаолиятига, бошқарувда содир бўладиган муттасил ўзгаришга нисбатан географик муҳит, шу жумладан, ҳудуднинг хусусиятлари истисносиз нейтрал бўлиб тура олмас экан. Сиёсат, ҳуқуқ соҳасида, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда ҳудуд доимий иштирокчи. Улкан швед сиёсат файласуфи Фридрих Ратцель давлат билан тупроқ, замин ўртасидаги боғлиқликни чуқур ўрганиб, “уларнинг ўзаро муносабатлари биз ўйлагандан ҳам кўра нозик, демакки, давлат ўзига хос, “инсонлашган” ҳамда уюшган бир замин экан”,³ – деган қатъий хулосага келган. Зеро, сўз оламнинг яхлитлиги, барқарорлиги, ва ниҳоят, барҳаётлиги учун энг асосий таянч бўлган, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши ҳақида бормоқда.

Қадимда ҳинд-европа тилларида “шоҳларча ўзини тутиш”, “ҳукмронга яраша”, “давлат” каби иборалар умумий ҳудудни англатувчи “регион” шаклида берилган. Чегаравий ҳудуд айрим европа тилларида “маркс”, яъни “тупроқ”, (бизнингча, она тупроқ) сўзи билан ифодаланган. Кўриниб турибдики, аجدодларимиз табиат кўйнида, у билан ғаройиб уйғунликда яшаган. Улар жамият, давлат, инсон ва географик муҳитни яхлитликда тасаввур этишган. Дарҳақиқат, ўзбек тилида халқ даражасида жамиятимиз, давлатимиз, ҳудудимиз, Ватанимиз “она юрт” ибораси билан ифода этилиб, кўпқиррали аҳамият касб этади.

Ҳудуд ҳақидаги умумий фикрларни баён этиш асносида, у сиёсий фанлар билан қандай алоқадорликда, деган табиий савол туғилади Муаммо у ёки бу даражада, яъни сиёсий фан билан бўлмасида, умуман, сиёсат билан боғлиқ ҳолда жуда кўп муҳокама қилинган. Жумладан, Геродотнинг “Олов Грецияда ҳам, Персияда ҳам барчага баробар иссиқлик беради. Аммо адолатни ҳамма жойда бир хил талқин қилишмайди”, деган хулосаси устида ўйлаб кўриш айрим масалаларга ойдинлик киритиши мумкин.

¹ Шу манба. ... – С. 117.

² Политические исследования. – №2, 2005. – С. 122.

³ Шу манба. Шу саҳифа.

Бизнингча, энг аввало, “олов” ҳамда “адолат” деган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини билиш зарур. Ҳар иккала тушунчага эмпирик ҳодиса сифатида ёндашдик. Бу у ёки бу объектни идрок этишнинг дастлабки муҳим жиҳати ҳисобланади. Уни идрок этишнинг иккинчи, анча юқори даражаси назарий ёндашувдир. Яъни объектни (бизнинг мисолимизда) функционал боғлиқликда, синергетик ҳолатда идрок этиш. Бунда адолат ижтимоий ва тарихий жараёнлиги билан табиат ҳодисаларидан йироқлашиб, “худудий омил” билан чамбарчас боғланиб кетади. Шу аснода айнан шу худудий омилнинг барча ижтимоий жараёнларга, қолаверса, онг, тафаккур ва дунёқарашга бевосита ва билвосита таъсири яққол сезилади.

Бинобарин, қадриятлар ҳамма вақт ҳам “географик муҳит” билан ҳисоблашавермайди. Географик муҳит нималарга қодир эканлигини у ерда асрлар мобайнида яшаб келаётган инсонларнинг дунёқарашини орқали яққол кўриш мумкин.

Унинг замирида эса, авваламбор, худудий омиллар, қолаверса, шу асосда шаклланган ижтимоий психология ва тафаккур, бир сўз билан айтганда, менталитет ётади. Менталитет эса, одатда, “танловчи” хусусиятга эга. Шу боис, уруш ва тинчлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик, ор-номус, оила, кадр-қиммат, ҳурмат-эътибор, бағрикенглик каби қадриятлар ҳамма жойда у ёки бу даражада мавжуд. Лекин ҳар бир халқ бу қадриятларга ўзига хос маъно-мазмун беради. Шундай экан, улар ўртасида муроса умумий параметрларда бир хил фикр билан белгиланади. Умуман, худудий омилнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини мутлақлаштирмаган ҳолда, унинг кўплаб мамлакатларда муҳим ижтимоий жараёнларда “иштирокчи” эканлигини тан олиш керак бўлади.

Кўриб турганимиздек, худудий омиллар билан сиёсий жараёнлар ўртасидаги боғлиқликнинг сиёсий фанлар томонидан чуқур ўрганилиши, ўз навбатида, сиёсий элита учун анча қўл келиши мумкин. Ушбу масала хусусида ўз вақтида, давлатшунослик, давлат ҳуқуқи, сиёсий ҳамда ижтимоий география фани вакиллари ҳам бош қотиришган. Лекин, уларда худуд ва мавжуд ижтимоий жараёнлар сиёсий фан тармоқлари каби чуқур таҳлил қилинмаган. Шу боис, муаммо кўпроқ сиёсий фан вакилларининг объекти ва предметига айланмоқда. Жумладан, сиёсий фанларда “ҳокимият муаммоси” марказий муаммо бўлган ва унинг йўналишига қараб, у ёки бу мамлакатга баҳо берилган. Масалан, Германия, Франция, Аргентина,

Саудия Арабистони бизга, биринчи навбатда, ҳудуд тарзида намоён бўлади. Бу, география. Демак, ҳали кўп нарса аён эмас. Масалан, Германияни “бирлашган Германия”, Францияни “V ёки VII Республика”, Аргентинани “перонизм”; Саудия Арабистонини “мутлақ монархия”, ва ниҳоят, Испанияни “конституциявий монархия” ибораси билан, яъни ҳудуддаги энг муҳим сиёсий константа билан яхлитликда таҳлил қилсак, кўз олдимизда бошқа бир кенглик юзага келади.

“Бирор-бир давлатнинг сиёсий фаолияти ва унинг сифатий томонларини заминдан ажратган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо шу пайтгача, ҳудуд омилига қанчалик кўп мурожаат қилинмасин давлат фаолиятининг шунчаки бир жисмоний ниҳояси ёки бўлмаса, ҳайкал учун таг курси тарзида идрок этилган. Кейинчалик, ёндашувнинг ўзгариши, масалага чуқур эътибор қаратиш туфайли, у ёки бу давлат кўз ўнгимизда халқаро-ҳуқуқий сегмент сифатида пайдо бўлди”¹. Юқорида зикр этилган ўзгариш Р.Челленга давлатни бутунлай бошқа бир ракурсда илғаш, яъни “давлатни тарих океанлари оша сузиб кетаётган кемага”² қиёс қилиш имкониятини берди. Натижада, бир томондан, давлат ва унинг сиёсати, иккинчи томондан эса, ҳудуд ҳамда ҳудуднинг бир неча минг йиллик тарихи ўртасида кўприк вужудга келди.

Ўз-ўзидан “бугун, сиёсий фанлар нуқтаи назаридан, муаммога муносабат қандай? деган савол туғилади ва унга жавобни, дунёдаги мутахассислар, таҳлилчилар қарашларидан топиш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда шундай бир йўналиш кўзга ташланмоқдаки, уни шартли равишда “ҳарбий-геостратегик йўналиш” деб аташ тўғрироқ бўлади. Унинг доирасида дунё геостратегик нуқтаи назардан аллақачон қисмларга бўлиб ташланган. Жумладан, Ер шарини бемалол назорат қилиш ва бошқариш бўйича шундай ҳудудлар борки, уларга нисбатан “стратегик баландлик” деган атама қўлланади. З.Бжезинскийнинг таъбири билан айтганда, улар кўп сонли бўлмасда, аммо узоқ ва яқин атрофни назарда ушлаб туриш учун ўзига хос плацдарм ҳисобланади. У ва унинг маслакдошлари Марказий Осиё минтақасини, хусусан, бизнинг юртимизни ҳам шу “баландликлар” сирасига киритишади.

¹ Политические исследования. – №2, 2005. – С. 123.

² Челлен Р. О политической науке, ее соотношении с другими отраслями знания и об изучении политического пространства // Полис. – №2, 2006. – С. 125.

У ёки бу ҳудудни ўрганишдан асосий мақсад, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, эзгулик ва мурувват йўлида яхши ишларни амалга ошириш эмас, аксинча, ундаги табиат инъом этган барча имкониятлардан ўз манфаати йўлида фойдаланишдир. Ҳозирда ҳудудни батафсил ўрганиш, таҳлил қилишнинг геодезик, картографик, қолаверса, геоботаник текширувлардан тортиб, то “йўлдош”лар орқали тасвирга тушириш воситалари мавжуд. Бугун бу соҳани назорат қилиш ва тартибга туширишнинг деярли иложи йўқ. Бундай “баландлик”лардан энг замонавий радарлар, керак бўлса, ҳарбий қурол-анжомларни жойлаштирган ҳолда, катта радиусдаги узок-узок ўлкаларни кузатиш ва компьютерга тушириш қийинчилик туғдирмаяпти.

Бундан ташқари, Ер шари аллақандай “можаролар келиб чиқишига мойил” ва шу боисдан боши ҳеч қачон беқарорликдан чикмайдиган жойларга ажратилган. Кейинги пайтда “Катта яқин Шарқ”, “Катта Болқон” деган иборалар ва улар боғлиқ йирик доктриналар пайдо бўлдики, уларнинг замирида бундай ҳудудларни, керак бўлса, ҳарбий воситалар билан тартибга солиб туриш ғояси ётади. Маълумки, Яқин Шарқ ва Болқон ярим ороли қадим-қадимлардан ўчиб-ёниб турувчи “ўқ дори бочкаси”га айлантирилган. Шу боис, бу ҳудудларда бир неча ўн ёки юз йиллардан бери бунёдкорлик ишлари ҳақида кам гапирилиб, улар муттасил уруш, диний ва этник можаролар, қолаверса, хавфли террористик хуружлар учун бошбанага айланди.

Қизиғи шундаки, бундай ҳудудларга баҳо беришда сиёсат ё анъанавий “улкан ўйин” ёки бўлмаса, унинг янги варианты “катта шахмат тахтаси” ғояларига таянилади. Шахмат тахтасида сипоҳлар бир хил имкониятларга эга бўлмаганидек, бугун жаҳондаги давлатларнинг кучлари ҳам тенг эмас. Ҳозирча ушбу воқелик ва ундан кўз юмиш тўғри эмас. Лекин Ер шарида, унинг турли “катаклариди” ўйин қоидалари аллақачон кучли фигуралар ихтиёрига ўтганлиги ва ҳудудга нисбатан бошбошдоқлик тобора кучайиб бораётганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳудудга нисбатан “кўчманчиларча”, аниқроғи, ёввойиларча муносабатда бўлиш, кўзланган мақсад рўёбга чиққанидан сўнг ҳудуд келажагига нисбатан бепарволик содир бўлмоқда. Мисол учун, барчага маълум ва машҳур З.Бжезинский, ўз “нодир” асаридаги талайгина саҳифаларни дунё ҳудудининг бир ҳукмдордан иккинчи ҳукмдорга ўтиш тарихига

ажратади¹. Унинг ҳудудга бўлган экстремистик муносабати ана шу ўринда яққол кўзга ташланади. Сиёсий фанларда ҳудудий омилни таҳлил қилиш, унга баҳо бериш яна бир оқимда акс эттирилган бўлиб, уни “ҳудуднинг маъмурий тартибот объекти” деб қараш воқелик, жараёнлар тадрижийлигига мос келади деб ўйлаймиз. Тўғри, ҳудудлар қадим-қадимдан идора этиш, ўзлаштириш мақсадида турли-туман қисмларга ажратилган. Ҳар бир қисмнинг фаолияти, ҳуқуқ ва имтиёзлари махсус қонунлар мажмуасида акс этган. Қолаверса, дунё ҳозир ҳам шундай шаклда намоён бўлмоқда. Лекин масаланинг муҳим бир жиҳатига ҳар доим ҳам эътибор қаратилмайди; тўғрироғи, унга йўл қўйилмайди. Сўз чегараларни белгилаш жараёнининг ҳеч қачон мукамал бўлмаганлиги, яъни ушбу жараёнда қудратли томонга кўпроқ ён бериш, айнан унинг келиб чиқиш амалиёти ва зарарли оқибатлари ҳақида бормокда. Ҳудудга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назардан изоҳ бериш ҳукмронлик қилган. Олимларнинг таъкидлашича, “Табиий муҳитга нисбатан шунчаки бир ноорганик жисм тарзида ёндашиш принципи”² амалиётда ҳали ҳам мавжуд. Бугунги кунда кўплаб ҳудудий тавсифга эга можаролар ва фуқаровий урушларнинг замирида айнан шу номутаносиблик ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Аммо дунёда муаммога нисбатан эскирган ҳужжатлар ва қарашлардан келиб чиқиб ёндашиш тизимига, замон характери ва янги талаб ҳамда эҳтиёжлар асосида муносабат билдириш, баҳо бериш ҳанузгача истак даражасида қолиб кетмоқда. Натижада, “сиёсий ажратиш” амалиёти кўплаб минтақаларда “инсонлараро ажратиш”га, ўзаро нифоқ ва гина-қудуратни кучайтирмоқда. Айрим минтақаларда муаммога кундалик онг ва тафаккур доирасида ёндашиш, давлат чегараларини менсимаслик ҳолати кўплаб учрамоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ҳудудий таксимланиш принципини ҳудудий ҳамкорлик даражасига олиб чиқишда ҳамон сустқапликка йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолат ҳудудий муаммоларни тобора чигаллаштирамоқда.

Ҳудудий омилнинг сиёсий амалиётда тутган ўрни, унинг мақоми хусусида сўз юритар эканмиз, салбий тенденцияга оид айрим фикрларга тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Гап ҳудудга, сиёсий-ижтимоий ажратилиш тушунчасига “империявий ёндашув” ҳақида

¹ Збигнев Бжезинский. Великая шахматная доска. – М., 1999. – С.254.

² Степин В. Философия в эпоху перемен // Вест. Моск. ун-та, сер.7, философия. – №4, 2006. – С. 23-24.

бормоқда. Худудга бўлган бундай муносабат жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Албатта, унинг замирида кўплаб сабаблар бўлганки, буни, биринчи навбатда Ер куррасида ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган унумдор ерлар кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Табиийки, бу аждодларимизнинг географик, табиий муҳитга нисбатан тафаккур ва қарашларида ўзига хос акс этган. Жиддий чегараланишга унчалик эҳтиёж бўлмаган. Чегара ўзгариши шунчаки бир ҳар кунлик воқеалардан ҳисобланган. Бу жараён, бугунгидек, тегишли одамлар, шахсларнинг эътиборини тортмаган. Бир худуднинг иккинчи бир томон тасарруфига ўтиши ҳам оддий воқеалар сирасидан ҳисобланган. Жаҳонда шундай империялар ҳукмронлик қилганки, улар ҳатто чегара чизиқлари ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган. Бошқа халқ мақсадлари билан ҳисоблашиш нима эканлигига эътибор берилмаган. Чегара билмаслик, чегараларга нисбатан нописандлик, ўз миллий манфаатларини дунёнинг қулай бўлган ҳамма бурчакларидан назоратсиз излаш, керак бўлса, ўзларини дунёга нисбатан ягона ҳоким ҳисоблаш тафаккурнинг бугун империявий тафаккурга қиёсланишининг асосида шу ётади¹. Унинг аломатларини, афсуски, бугун ХХІ асрда ҳам кузатишимизни оддий ҳолат деб баҳолаш қийин. Уларга инсоният учун ХХІ асрда, “бир қарич ер” ҳам эгасиз эмаслигини, унга нисбатан писандсизлик сиёсати эса, улкан можароларга сабабчи бўлишини яна бир маротаба эслатиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, сизу биз, бугунги авлод яшаб келаётган дунёда “худудий омиллар” давлатлараро муносабатлар тизимида ўзига хос мустаҳкам ўрин эгаллади; иккинчидан, сиёсийлашиб бораётган худудий омиллар, сиёсий фан тармоқларининг жиддий эътиборини тортмоқда; учинчидан, ижтимоий омил сифатида тарихнинг барча босқичларида худуд, худудий муаммо бугун ҳар қачонгидан ҳам сиёсат билан чирмашиб кетмоқда; тўртинчидан, унинг китоб объекти сифатида кенг кўламли таҳлилини яратишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Шундай қилиб, инсон тафаккури чуқурлашиб, ўзи учун ҳаётий зарур шарт-шароит, имкониятлар кўламини англаб, идрок этиши асносида худуднинг беназир ўрни ва роли ҳақидаги ахбороти, маълумоти ортиб борди. Ушбу ўринда, шаклланиб бораётган жамият, гуруҳ ва давлат манфаатлари билан худуднинг нафақат боғлиқлиги,

¹ Мотрошилова Н.В. Варварство как оборотная сторона цивилизации // Вестн. Моск. Ун – та, сер. 7, философия. – №4, 2006. – С. 49-65.

балки шу жамиятнинг ривожланиш йўналишларига ҳам бевосита таъсир қилиши ойдинлашмоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, географик муҳит, унинг тузилиши, жойлашиши қандай бўлишдан қатъи назар, унинг ҳаётий фаолиятига таъсири ижобийлигича қолаверар экан. Даврлар ўтиб географик муҳит жамият мавжудлиги, унинг ички жипслиги сиёсатининг у ёки бу йўналишини танлашига яққол таъсир этиши аниқланди. У социум, давлатнинг барқарорлиги билан боғлиқ сиёсий қарашлардан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади. Натижада, ҳудудга турлича баҳолар шакллана бошлади. Улар орасида дунё тараққиёти, барҳаётлигининг таянч нуқталаридан бири бўлган ҳудудга нисбатан худбинлик, ундан ўз мақсадлари йўлида ўзбошимчалик билан фойдаланишга интилиш, ҳудудларнинг бирига нисбатан устуворлик бериш майдонига айлантириш сиёсати тараққиётга, давлатлараро муносабатларга улкан путур етказди. Айрим ҳолларда илм-фан аҳли ҳам юқоридаги аксилинсоний интилишларни ёқлаб, ҳудудий экспансиянинг гумашталари қаторидан ўрин олди. Бугунги кунга келиб, сиёсатчилар, ижтимоий фан вакиллари барча мамлакатлар асрлар мобайнида миллати, давлати, халқи яшаб келаётган табиий-географик муҳитга бўлган муносабатларини кескин ўзгартириш зарурияти, ҳудуднинг барча соҳалар учун бош омил эканлигини чуқур англаш сари бормоқдалар.

2. Мустақиллик ва ҳудудни англаш муаммоси

Асрлар мобайнида аждодларимиз истиқомат қилган, улар учун, табиий истехком бўлиб беминнат хизмат қилган, қолаверса, келажак авлодлар учун худди шундай ижтимоий-маънавий вазифани ўташи лозим бўлган бугунги она заминимиз, мустақилликдан кейинги тамомила янги шароитда биз учун қандай маъно касб этаётганлигини чуқур идрок этиш мақсадида унинг узоқ ва яқин ўтмишига назар ташласак, фойдадан холи бўлмайди, албатта. Шунини таъкидлаш керакки, халқнинг хоҳиш-иродасини ҳимоя қилиш, она заминимиз суверенитетини асрашга турли-туман сабаблар туфайли тарихимизнинг кўп босқичларида имконимиз бўлмади, яъни унга нисбатан “ҳаққоний (яъни юридик) суверенитетга” эга эмас эдик. Мавзуимиз доирасидан келиб чиқиб, ҳудудга нисбатан суверенитет борасида энг фожиали давр бўлган XIX – XX асрларда қандай вазият ҳукм сурганлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Маълумки, у ёки бу ҳудуд устидан сиёсий назорат ўрнатишнинг турли шакллари мавжуд. Ҳудуд ўз юрисдикция ҳуқуқига эга бўлмасликдан ташқари, сиёсий назорат, миграция, савдо-сотик, урушлар, колонияга айланиши, транспорт алоқалари ва ахборот тазйиғи остида бошқа субъектларнинг сиёсий назорати объектига айланиши мумкин экан. Масалан, ҳудудимиз мустақиллик кунигача кетма-кет Россия империяси ва сўнгра Совет иттифоқи доирасида расман мустақил деб эътироф этилган. Лекин бу “хўжакўрсинга мустақиллик” бўлиб, юридик, сиёсий ва маъмурий субъект бўлиши ҳудудга тааллуқли бўлмаган ва унинг амалдаги мақомига таъсир этмаган. Шу боис, ҳудуддаги ўзгаришлар муттасил яшаб, шу гўшага жон бағишлаб келган аҳолига мутлақ боғлиқ ҳам бўлмаган, яъни бирор-бир масалада ташқи “хўжайинлар” у билан маслаҳатлашишни ўзи учун шарт деб ҳисобламаган. Олимларнинг талқинида бундай вазият “мавжуд аҳолида ҳудудга нисбатан фақат кундалик турмуши кечаётган қандайдир географик муҳит деб қараш”¹ни шакллантирган. Бу ҳам тўғри, аммо бунда масаланинг иккинчи ёки учинчи даражали жиҳатларигина қамраб олинган. Назаримизда, аҳоли, фуқароларнинг

¹ Максименко В.И. Расширенные тезисы к форуму // Восток-Oriens. – №3, 2003. – С. 66; шунга ўхшаш фикрлар яна бошқа нашрларда ҳам учрайди. (Форум: Новая геополитическая ситуация в Центральной Азии, // Восток-Oriens. – №6, 1993. Белокреницкий В.Я. Проблемы и перспективы формирования Центрально-азиатского региона // Восток Oriens. – №4, 1996 ва бошқалар акс этган.

ўз ҳудудига бўлган муносабати, энг аввало, ўз мутлак суверенитетини англаши айнан шундан келиб чикиб, ҳудуднинг бугуни ва келажагини белгилаши керак.

Кўлимиздан ихтиёр кетган оғир ва фожиали дамларда “Марказий Осиё масаласи” деган асоссиз бир муаммо ҳам пайдо бўлди. Унда аждодлар яшаб келган Мовароуннаҳр, Марказий Осиё ёки кейинчалик Туркистоннинг, демакки, ўзбек заминининг бирон-бир юридик ва сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаганлиги, тўғрироғи, халқаро ҳуқуқ субъекти ҳолатидан маҳрум этилганлиги, унинг имкониятидан қандайдир бир транзит мақсадида фойдаланиш ғояси илгари сурилган. Марказий Осиёга ўзбек замини шунчаки ҳуқуқсиз “кўприк” деб талқин этилган. Натижада, унга нисбатан ўзларининг сиёсий назоратини ўрнатиш йўлида улкан “ўйин” бошланиб кетган эди. Агар синчковлик қилиб кўрилса, бугунги суверен ҳудудимизга нисбатан ҳам айнан ўша давр учун эскирган “халқаро машмашани” авж олдиришга бўлган иштиёқ, интилиш кўзга яққол ташланмоқда. Албатта, бу бугунги реалликдан кўз юмуш, жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчиси, керак бўлса, бунёдкорларидан бири бўлган Ўзбекистон мавжудлигини шубҳа остига олишдан бошқа нарса эмас. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё муаммолари билан яхши таниш россиялик таҳлилчи С.Солодовникнинг бир фикрига эътибор бериш лозим. Масала Марказий Осиёнинг географик ҳолатида ҳам эмас. Бу илгариги пайтларда муҳим эди. Бугун эса у “бор-йўғи глобал кучлар томонидан жиловлаб турилиши ва кейинчалик эса ютиб юборилишга маҳкум чекка доналардан биридир”,¹ – деб уктиради мутахассис.

С.Солодовник “Марказий Осиё мамлакатлари ўша дамларда ички бошқарилишдан анча йироқ бўлган. Шу боис, шундай ҳудудларга нисбатан муносабатларда бирор-бир шаффофликка эришишнинг бирдан-бир йўли – у ўлкада қисман иштирок орқали унчалик катта бўлмаган куч билан назорат қилиш ҳисобланган. Бу бугунги кунга ҳам тааллуқли”², деб сўзини яқунлайди. Демак, уларнинг фикрича, Марказий Осиё қадим-қадимдан куч орқали назорат амалга оширилишига маҳкум ўзига хос ҳудуд бўлган. Уларнинг назарида ҳудуд бугунги кунда бирон-бир аҳамият касб этмайди. Ҳозирда ҳам XIX асрдаги фожиали ҳолатимизни “ҳудудимизнинг қандайдир яроқсизлиги билан боғлаш ва бунда асрлар давомида шаклланган

¹ Солодовник С.В. Агрессивное миротворчество и Центральная Азия // Восток-Oriens. – №3, 2003. – С. 76.

² Ўша манба. ... 76, 81-бетлар.

социумга эса аллақандай “кемтик жамият” тарзида муносабат билдириш йўқ эмас¹. Шундай экан, бундай хатти-ҳаракатни бугунгача барҳам топмаган шовинистик, ҳатто примитив иркчилик қарашлари билан қиёслаш тўғри бўлади.

Албатта, фожиаги тарих сабоқларига бугунги мустақиллик шароитида муносабатимиз тамоман бошқача. Мустақил Ўзбекистон худуди бизнинг онгимиз, шууримизда мутлақо бошқа бир қиёфада гавдаланмоқда. Бугунги кунда нафақат интеллектуал доиралар, шунингдек, барча фаолларимиз, фуқаролар худудимиз салоҳияти, имкониятларига ҳаққоний баҳо бериш имкониятига эга, қолаверса, унинг ер юзидаги худудлар орасида ўзлигини сақлашга бўлган интилишини ҳам халқимиз бугун чуқур ҳис қилмоқда.

Шу муносабат билан у ёки бу худудга баҳо бериш ва уни асосли деб ҳисоблаш жуда нозик масала ва бу жаҳон тажрибасида бир неча бор исботланган. Жаҳон маданиятшунослари, цивилизация муаммолари борасида нуфузли мутахассислардан бири Николай Трубецкий ўзининг 1920 йилда Софийда босилиб чиққан китобида эътиборга молик бир фикрни ўртага ташлаган: “Баҳо бериш амалиёти этнология ва маданият тарихидан, қолаверса, барча эволюцион (яъни доимий ўзгаришдаги) фанлардан аллақачон чиқариб ташланган бўлиши керак эди. Ҳолбуки, баҳо бериш ҳар доим эгоцентризмга, яъни ўзини мутлоқлаштириш ёки улуғлашга асосланади. Дунёда паст ёки юқори деган нарсанинг ўзи йўқ. Демак, фақат ўзаро ўхшаш ва фарқли нарсалар мавжуд холос”². Тўғри, ушбу баёнда сўз худуд ҳақида эмас, балки кўпроқ социум ҳақида бормоқда. Лекин социумнинг қандай бўлишига худуд дахлдор эмас, деган фикр унчалик асосли эмас. Бундан ташқари, бошқа мулоҳазалар ҳам бор. Биринчидан, ҳар бир халқ ўзини айнанлаштириш асносида, албатта, худуд омилига устувор аҳамият беради ва она замини қандай улкан ва беҳисоб интеллектуал моддий ресурсларга эга эканлигини жуда яхши англайди; иккинчидан, умуман худуд салоҳиятига нисбатан, айниқса, глобаллашув шароитида олдиндан бирон-бир башорат беришнинг ўзи нисбий, қолаверса, у ёки бу худуднинг бугуни ҳамда истиқболига оид бирор-бир кескин фикр “сиёсий одоб” тамойилларига тўғри келмайди.

¹ Полянков П. О некоторых аспектах развития региона // Восток-Ориент – №3, 2003. – С. 82-86.

² Трубецкой Н. Европа и человечество. София, 1920. – С. 42-43.

Маълумки, дунёнинг турли томонларида сермахсул ижод қилиб, ҳудуддек нозик муаммога кенг қамровли ёндашган алломаларнинг фикри мазмун жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.

Шу аснода муҳокама қилинаётган муаммо, айниқса, Ўзбекистоннинг ўз суверенитетини тўла қўлга киритиш баробарида унинг қўламининг катта ва кичиклиги, ёки бўлмаса, айнан шундан келиб чиқиб айрим хулосалар чиқариш амалиёти билан боғлиқ масала ҳақида ҳам фикр билдириш лозим бўлади. Тўғри, бир пайтлар давлат салоҳияти ҳақида гап кетганда, ҳудуднинг қўлами алоҳида аҳамият касб этарди. Унга қараб, у ёки бу давлатга муносабат билдирилган. “Жумладан, Россия тарихчилари “унинг” жуда катта ҳудуди Россиянинг ўзини, қолаверса, бутун Европа цивилизациясини татар-мўғул босқинчиларидан сақлаб қолди, деган фикрни билдиришади. Ҳатто Россиядан ташқарида ҳам “айнан шу бепоён ҳудуд унинг дунёда энг қудратли давлат бўлишига олиб келади”¹ – деган фикр шаклланган эди.

Умуман, ҳар бир мамлакат нуфузига ҳудуддан келиб чиқиб баҳо бериш, масалага бир томонлама ёндашув ғояси, даставвал, Германияда шаклланган бўлиб, “қуёш ҳеч қачон бормайдиган” империя деб кўкларга кўтарилган². Албатта, бундай қарашлар давр воқеликларининг акси бўлган. ХХI аср бу масалага бошқачароқ ёндашмоқда. Гарчанд, бугун ҳам ҳудуд муҳим бўлса-да, унинг сифатий параметрлари ўзига хос нуфузга эга.

Глобаллашув, ягона ахборот, турдош технологик жараёнлар, транспорт тизими барча ҳудудларнинг аҳамияти бирдек ошаётганлигидан гувоҳлик беради. Бугун сайёрамизни юксак мақомга эга ёки аксинча, чекка ўлкаларга ажратиш ўз кучини йўқотаётганлиги реалликдир. Хуллас, ҳудудга унинг айрим табиий кўрсаткичлари асосида эмас, аксинча, унда истиқомат қилаётган инсонларнинг бунёдкорлик салоҳияти, истиқбол билан йўғрилганлиги, яъни унинг фақат зоҳирий жиҳатларига эмас, кўпроқ ботиний томонларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш керак бўлади.

Умуман, анча илгари “у ёки бу давлатнинг куч-қудрати, салоҳияти унинг заминга, яъни ўз маркасига бўлган муносабати билан белгиланиши” илм аҳли ҳамда сиёсат учун масъулларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Ўз фаровонлиги ва осойишталиги, миллий манфаатлари ва хавфсизлигини ўйлаган ҳар бир давлат ўз ҳудуди

¹ Хилл Ф., Гедди К. Сибирский холод. Как география России замедлила рыночные реформы // Международная жизнь. – №1, 2004. – С. 74.

² Шу манба. ... – С. 76.

олдидаги бурчини, аниқроғи, сиёсий жавобгарлигини англаши керак. Масаланинг долзарблигини, том маънода, миллат ва фуқаролар тақдирига бориб тақалишини биз ўзбекистонликлар мустақил тараққиётимиз жараёнида яққол ҳис этдик.

Ўз худуди учун сиёсий жавобгарлик ҳисси ҳақида сўз борар экан, атоқли швециялик олим Рудольф Челлиннинг бир фикрига эътибор қаратиш керак: “Эмпирик факт сифатида давлатни фақат ҳуқуқий тузилмалар, қонунлар мажмуаси, бошқарув тизими ёинки ижтимоий асоси туб миллат ва ўз худуди асосида уюштириши билан боғлаш камлик қилади. Айни пайтда, давлат бундай ҳолатда ўз тинчлиги ва осойишталигини сақлашга қодир эмас, зеро жонсиз, ўлик табиат эмас, аксинча, у доимий ҳаракатдаги ўз замирига томон боровчи ҳаётий фаолият бўлиб, ўз асоси, тузилмаларини тинмай такомиллаштиради. У ўз халқининг мойиллиги ва географик муҳит туфайли яралган барча имкониятларини рўёбга чиқаришга интилади”¹. Агар олимнинг фикрини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар қандай суверен давлат, унинг аҳолиси бугуни ва истиқболи учун талай устуворликлар билан биргаликда, географик муҳит ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Аниқроғи, давлат, халқ географик жиҳатга ўз барҳаётлигининг бош омилларидан бири сифатда муносабатда бўлиши лозим.

Айниқса, бугунги босқичда турли сабабларга кўра айрим йирик давлатлар Марказий Осиё худудига, “алоҳида эътибор кўзи” билан қарашмоқда. Бу борада янги чора-тадбирларни ҳам ишлаб чиқишмоқда. Бу бой худудни тўғридан-тўғри, илгариги пайтларда бўлганидек, забт этишнинг иложи бўлмаслигини тушунган ҳолда, эндиликда, расмий бўлмаса-да, норасмий, ноқонуний йўл билан қарам қилишга интилмоқдалар. Уларнинг назарида ўз ниятларини амалга оширишнинг қулай йўли, услуби “рангли инқилоблар” ҳисобланади. Мабодо, “рангли инқилоб” муваффақият қозонса, у ҳолда худудни расман ўз қўлларига олмасалар-да, барибир, сиёсий ҳокимиятни ўзига бўйсундириш имконини қўлга киритиши тайин. Шу муносабат билан россиялик олима Галина Майкованинг қуйидаги фикрини келтиришни лозим топдик: “Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қозоғистондаги президент сайловларида Н.Назарбаевнинг ишонарли ғалабаси айнан шу “иккинчи фронт”, яъни “хорижий дўстларимиз”га муносиб жавобнинг дебочаси бўлди. Аслида ушбу “фронт” 2005 йил май ойидаги Андижон воқеалари асносида

¹ Хилл Ф., Гедди К. Сибирский холод. Как география России замедлила рыночные реформы // Международная жизнь. – №1, 2004. – С. 74.

Ўзбекистон раҳбариятининг ўз суверенитетини асраб қолишдаги қатъийлиги билан бошланган эдики, бу ўз навбатида, Ғарбнинг Марказий Осиёда амалга ошириши мўлжалланган кенг кўламли геосиёсий стратегияси ҳақиқий башарасининг биринчи бор буткул ошкор бўлишига олиб келди. “Иккинчи фронт”нинг асл маъно-мазмунини шундаки, у ёки бу тарзда “геосиёсий нишонга” олинган янги мустақил давлатлар раҳбарияти, эндиликда, жамиятнинг изчил ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашни ўзлари учун бош вазифа қилиб белгилаганлигини барчага маълум қилди”¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шахсан Президент Ислам Каримовнинг қатъияти натижасида қайси бир жиҳатдан Марказий Осиёда қайтадан “қўғирчоқ давлатлар”ни шакллантириш, улардаги миллатларни яна бир бор қарамлик ҳолатига тушириш ва ниҳоят парчалаш сиёсатига жиддий чек қўйилди.

Умуман олганда, ҳудуд ва чегара муаммосини сиёсатга нисбатан аҳамиятсиз, яъни нейтрал бир омил деб ҳисоблаш Ғарб мамлакатлари олимларининг айримларига хос². Улар учун аҳамиятсиз бўлган омил, бошқалар учун ўта долзарб бўлиши мумкин. Шу боис, Ўзбекистонда бугун ҳудуд ва чегара ҳақида тамомила бошқача фикр шаклланди.

Шу нуқтаи назардан, сиёсий фавлар номзоди Даврон Муитовнинг фикри эътиборни жалб қилади. “Ҳозирги пайтда, – деб таъкидлайди олим, – Ўзбекистон давлат ҳудуди конуний равишда мазкур давлат (яъни Ўзбекистон Республикаси) суверенитети остида бўлган ер қуррасининг бир қисми... давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик, сув, ер ости ва ҳаво кенгликларидан иборат бўлган яхлитликдир”. Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла суверенитети – давлатнинг ҳудудий устунлиги ва дахлсизлигини қамраб олиш демакдир... Айтиш керакки, бугунги кунда ҳудуд – ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир. Унга биноан ҳудуд унда яшаб турган халқ учун яшаш маъносидир. Давлат ҳудуди аҳоли билан биргаликда давлат тараққиёти учун зарур асос ҳисобланади. Ҳудудий яхлитлик, бир бутунлик ҳудуд доирасидаги барча инсонларга нисбатан суверен ҳокимиятни амалга оширишни ва айни пайтда бу ҳудуд устидан олий

¹ Майкова Г. Стабильность – место хаоса и революций // Бизнес. Вестник Востока, 29.12.2005.

² Touchet M. Elonoliriquez nier et aujourd’hui // Etudes, Paris, 1991. – №4. – P. 329-340, Қаралсин: Т.Пархалина. Геополитические прогнозы и Россия // Мировая экономика и международные отношения. – №2, 1996. – С. 32-33.

хуқуқий ҳукмронликни англатади. БМТ Низомига кўра, унга нисбатан куч ишлатиш ва шу йўл билан ҳудудий ўзгартириш киритиш тамомила тақиқланади”¹. Агар биз олимнинг фикрича, бугунги кун муаммолари даражасидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, ундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, мустақилликдан сўнг ҳудуд Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, сиёсий-хуқуқий ҳамда маъмурий маъно касб этиши лозим бўлади.

Бу борада Президентимизнинг қуйидаги кескин ва адолатли фикрлари диққатга сазовордир: “Бунинг бугунги бизнинг мустақил ривожланишимизга ҳасад, керак бўлса, сиёсий менсимаслик руҳида қараётганлар ҳам аниқ тасаввур қилишлари керак бўлади, шу билан бирга, очик айтиш керакки, Ўзбекистон олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида, четдан туриб ички ишларимизга аралашиш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйик ва зўравонлик сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз. Бундай уринишлар чипшакка чиқиши муқаррар ва бу масала бўйича лўтти-бозликни йиғиштириб қўйиш керак”².

Ҳеч қандай хийла ёрдам бермади. Чунки бугун ҳудудга, унинг истиқболига нисбатан муносабатимиз тубдан ўзгарди. Бунинг асосий сабаби мамлакатимиз тарихига бориб тақалади. 1991 йилга келиб, мисли кўрилмаган сиёсий воқеа, яъни давлат суверенитети эълон қилинди, кейинчалик у дунё ҳамжамияти томонидан тўла-тўқис эътироф этилди. Жаҳон сиёсати майдонида эришилган сиёсий субъектлик Ўзбекистон халқининг ҳудудга бўлган муносабатини ўзгартириш учун асос бўлди. Биринчи бор ҳудудимиз ва фуқаролар жамияти, яъни социум ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик шаклланди, унинг илдизлари кун кеча пайдо бўлгани йўқ.

Маълумки, ҳудуд ва жамиятнинг ўзаро муносабати муаммоси муҳим бир ижтимоий жумбоқ сифатида қадим ўтмишига бориб тақалади. Фақат инсоният унга аҳамият бериб-бермай келаверган, унинг жамият мавжудлиги, демакки, ҳаёт фаолиятининг устунларидан бири эканлигини унчалик англаб етмаган. Шу нуқтаи назардан, атоқли рус файласуфи, теологи Вячеслав Соловьевнинг “географик муҳитнинг инсон руҳияти, ижтимоий хатти-ҳаракати, хулқ-атвориға таъсир этиши турли хил салбий ва ижобий ҳамда

¹ Музтов Д. Ҳудудий яхлитлик муаммоси: геосиёсий таҳлил тажрибаси (Ўзбекистон мисолида). – Т.: 2003. 11-13-бетлар.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.15.

бошқа бир омиллар орқали рўй бериши ва ҳар учала йўналишда ҳам инсонни ҳаракат қилишга мажбур қилиши”¹ ҳақидаги фикри ўзига хос эътиборга лойиқ. Худди шундай, яъни “миллий характерга нисбатан табиий омилларнинг роли”² ҳақидаги фикр кейинроқ Николай Бердяев томонидан айтилган. Умуман, ушбу масала бошқа хориж мутахассисларининг эътиборини ҳам доим ўзига жалб қилиб келган. Уларнинг орасида Ф.Бродель ва Тейяр де Шарден (Франция), М.Вебер ва О.Шпенглер (Германия), П.Флоренский ва А.Мечников (Россия)лар эътиборга сазовор. Ўзбек олимларидан Ҳ.Хасановнинг географик муҳит жамият учун нечоғлик улкан роль ўйнаши ҳақидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси масаланинг ечимига улкан ҳисса қўшгани ҳолда, бугунги кунда ҳудудни айнан миллий манфаатларимизни таъминлаш ва мамлакат барқарорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш имконияти доирасини кенгайтормоқда³.

Агар дунё тарихига синчковлик билан назар солсак, у ҳудуд ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар панорамасидан иборат эканлигига амин бўламиз. Турли ички ёки ташқи таъйиқлар (уруш, ер ости тектоник силжишлари, қум кўчиши, иқлим ўзгариши ва бугунги кундаги экологик анархия), аجدодларнинг ҳудудга нисбатан бефарқлиги оқибатида гуллаб-яшнаган давлатлар ҳамда цивилизацияларнинг харобаларга айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Булар натижасида бир ҳудуд гуллаб-яшнаса, иккинчиси, таназулга юз тутган. Энг аянчлиси, бутун бошли миллат ёки этнос барбод бўлиб кетган. Жамият, давлат, инсон ва табиий шароитнинг бир-бири билан доимий равишда “ҳамжиҳат” ва “ҳамнафас” бўлиши ғояси⁴ унутилган.

Ҳудуднинг параметрлари (ландшафт, иқлим, фойдали қазилмалар, тупроқнинг хусусиятлари, антропоген характерга эга салбий ёки ижобий ўзгаришлар) эса муттасил жамият кайфияти, қарорлар йўналиши ва пировард мақсадига кескин ўзгартиришлар киритганлиги ҳисобига олинади. Ижтимоий амалиёт сиёсий режалар ва географик муҳитни менсимасликда давом этаверди. Бу ҳақда узок сўз юритишдан мақсад ҳудудга бўлган муносабатнинг ўзгариши, асосан, тарихий-сиёсий тараққиёт ташувчиси субъектида рўй берган

¹ Соловьев В.С. Сочинения. В 2-х томах. – Т.1. – М., 1985. – С. 24-27.

² Бердяев Н.А. Судьба России. – М., 1990. – С. 66-68.

³ Сергеева О., Платонов Г.В. Природный фактор в цивилизационной концепции // Вести. Моск. Ун – та, сер.7, философия. – №6, 2001. – С.53-64.

⁴ Шу манба. – С.54.

ўзгаришга эътибор қаратишдир. Сўз ҳудудга нисбатан мутлақ суверенитетни қўлга киритган қатламда рўй берган ўзгариш ҳақида бормоқда. Глобал масала бўлган ҳудудга муносабат, одатда, турли қиёфада намоён бўлади. Мисол учун, турли сабабларга кўра, ҳудудда туб аҳолидан кўра, унга бегона бўлганлар миқдори ошиқ бўлиши мумкин. Шукур қилиш керакки, Ўзбекистонда ҳам бу сингари муаммоларнинг, ўз вақтида ечими топилиб, мамлакат мустақил тараққиёт даврига кириб келди. Одатда, ҳудуд ҳақида фикр юритганда, энг қулай ва муаммосиз йўл бугунги реалликдан, яъни у қандай бўлса шундайлигидан келиб чиқиш бу мавжуд қийинчиликларни бартараф қилишда қўл келади. Уни жаҳон жараёнлари ҳам тақозо этиб турибди.

Ушбу фикримизга қўшимча далил сифатида россиялик файласуф олим Андрей Циганковнинг мулоҳазасига мурожаат қилсак: “Фандаги янги йўналишлар, кашфиётлар географик кенгликнинг ижтимоий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини тақозо қилмоқда, илмий жамоатчиликни мавжуд жаҳон тартиботига ижодий ёндашувга ундамоқда. Янги илмий хулосалар тегишли муассасаларни нафақат давлат фаолиятинигина эмас, балки унинг замирида ётган маданий жараёнлар, жумладан, миллатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологияларни, иккинчидан, давлат чегараларининг барпо бўлиши нафақат картографик машғулот, шунингдек, концептуал аҳамиятга эга фаолият эканлигини, учинчидан, янги асосда ишлаётган тадқиқотчилар географик унсурнинг адабий ранг-баранглигидан ташқари, унга ёндашувда интеллектуал ҳамда сиёсий фантазияга ҳам қодир бўлишини тақозо этмоқда.

Бу янги ёндашувга кўра, ўзини-ўзи айнанлаштириш, хавфсизлик, таҳдид ва унга тегишли жавобга доир концепциялар сиёсий жиҳатдан нейтрал бўла олмайди”¹. Ушбу фикрни бугунги кун реаллигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонга нисбатан татбиқ этадиган бўлсак, бизнинг ҳозирги ҳудудимиз кечаги ҳолатидан сифат жиҳатдан фарқ қилади ҳамда ҳудуднинг ҳолатини мустақиллик кўяётган талабларни ҳисобга олган ҳолда белгилашимиз лозим. Чунки ҳудуд – бу қотиб қолган жонсиз моддиятдан фарқли ўларок, олимлар таъкидлашича, бир вақтнинг ўзида “тирик”лиги, “хушёрлиги” ва “сезгирлиги” билан

¹ Цыганков А.П. Что для нас Евразия? Пять стратегий российского освоения пространства после распада СССР. // Вопросы философии. – №10, 2003. – С. 4.

ажралиб туради, шунингдек, айна пайтда, аниқ вақт билан чамбарчас боғлиқ¹.

Тан олмоқ лозимки, Ўзбекистоннинг мустақилликдан сўнг кескин ўзгариши билан, жамиятни шакллантириб турувчи инсонлар, айнан шу инсонларни бирлаштирадиган тамойиллар, қонунлар, қарорлар, муносабатлар тавсифи ҳам кескин ўзгарди. Мустақиллик туфайли одамларнинг онги, тафаккури ва дунёқараши аста-секин янгилангани сари фуқаролар ҳам ўз бошидан кенг кўламли трансформацияни кечиришмоқда. Ўз навбатида, она заминимиз, ҳудудимизга муносабатимиз, уларни ҳис этишимиз ўзгача йўналиш касб этмоқда. Она ер ўзимизники эканлигини чуқур ва қайта тушуниб етдик. Бизга ҳар доим ишончли манзил, турар-жой бўлган, авлод-аждодларни авайлаб асраган, ота-боболар хоқини покиза сақлаган она ер қадимий ҳудудимизда, юртимизда рўй берган улкан тарихий силжишлар, воқеаларни шунчаки гувоҳи ёхуд томошабин эмас, балки шу жараёнлар учун ишончли кўрғон даражасига кўтарилди. Энг муҳими, ҳудудимизни ўз миллий манфаатларимиз ва хавфсизлигимиздан келиб чиқиб, ўз ихтиёримиз бўйича ўзгартириш, ташкил этиш² имкониятини қўлга киритдик.

Ўзбекистонликларга хос ўз она заминига садоқат туйғуси аксарият ҳолатларда миллатнинг миллат бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Айнан шу туйғу туфайли, Ўзбекистон замини ажнабий кучлардан ишонарли муҳофазаланиб, бугунги авлодга бус-бутун етказилди. Ҳудудимиз учун асрлар давомида душманлар билан кечган кураш ҳам ҳудудни, ҳам миллатимизнинг такомил чўққиларига кўтарилиши учун улкан маънавий омил бўлди. Ҳаммамизга аёнки, ушбу кўтаринкилик биринчи бор замонавий миллий давлатимизнинг қарор топишида алоҳида аҳамият касб этди. Гап шундаки, мустақиллик ўзбекистонликларга нафақат ўз ҳудудини қайтариб берди, балки унга биринчи бор ҳаққоний суверенлик ҳуқуқини берди. Ўз она зами-нининг беқиёс имкониятларига ишонч кўзи билан қараётган ўзбекистонликлар уни жамиятимиз ҳаёт-мамот манфаатлари устувор-ликлари орасида бош омил деб ҳисоблайди. Мустақиллик ўзбек замини учун бундан буён халқимиз фаровонлиги, қолаверса, минтақада тинчлик, осойишталик ҳамда эркин мулоқот майдонига айланди. Истиклол туфайли она заминимиз нималарга

¹ Симаков К.В. Концепция реального времени – деления В.И.Вернадского // Вопросы философии. – №3, 2003. – С. 89.

² // Безопасность Евразии. – №1, 2005. – С. 372.

кодир эканлигини тўла намойиш қилиш имкониятини кўлга киритди. Мустақиллик келтириб чиқарган беқиёс янги имкониятлар боис, Ўзбекистон худуди биродарлик, маданиятлараро, миллатлараро мулоқот майдонига айланиб, дунё барқарорлигига ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда.

3. Миллий ғоя – жамият барқарорлиги таянчи

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ўзига мос ва хос ғояга эга бўлмаган ижтимоий ёки сиёсий бирлик мавжуд эмас. Шунингдек, бошқа ҳеч бир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-фалсафий ғоя одамларнинг онги ва эътиқодига миллий ғоя сингари чуқур таъсир этмайди. Бунинг асосий сабаби унда ижтимоий манфаатлар миллий рух, ғурур, кадр-қиммат, ор-номус каби омиллар билан мустаҳкам боғланиб кетган.

Одатда, миллат, қолаверса, шахснинг манфаатлари камситилса, у қалбан нафратланади. Унинг миллий кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-у номуси топталган тақдирда ички нафрат ўз-ўзини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган амалий ҳаракатга, мурасимсиз курашга ҳам айланиб кетиши мумкин. Демак, халқлар иқтисодий ва сиёсий манфаатлари, айниқса, маънавий қадриятларининг камситилишига маълум вақт чидаши мумкин, аммо унга бир умр бардош бера олмайди, пировардида, кескин сиёсий қарорга келиши тайин. Шу нуқтаи назардан, россиялик файласуф Евгений Рашковскийнинг “сабрсизлик халқнинг ҳали ғўрлиги, қоқоқлиги билан боғлиқ”¹ деган фикрига қўшилиш кийин.

Чоризм ва совет колониал тузуми даврида Ўзбекистоннинг бойликлари таланди, маҳаллий халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилди. Миллий маданий ва тарихий мерос, анъана ва қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, тарихнинг ошқора сохталаштирилиши, табиийки, миллий-озодлик ҳаракатининг жонланишига бевосита ва чуқур таъсир этган омиллардан бўлди. Одатда, одам очлик ва қашшоқликка чидаши мумкин, сиёсат ва маънавият билан боғлиқ адолатсизликларга бардош бера олмайди. Шу боисдан, маълум бир тарихий босқичга келиб, халқ орасида кучайган эҳтирослар, ўз навбатида, миллий ғояга кучли таъсир этади.

Сўз миллий ғоя ва ижтимоий амалиёт ўртасидаги уйғувлик ҳамма вақт ҳам бир хил эмаслиги ҳақида бормокда. Бу, айниқса, муайян ижтимоий-сиёсий кучлар миллий ғоядан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ўзларини миллат идеалининг мутлақ ифодачиси деб кўрсатишга интилишда яққол кўзга ташланади. Маърифий умуминсонийликка йўғрилган миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан

¹ Рашковский Е. Пласты нетерпимости: философские заметки // Вопросы философии. – №4. 2003. – С. 63.

жуда узок бўлган реакцион кучлар ҳам ўзларининг тор сиёсий манфаат ва мақсадларини миллий ғоя сифатида кун тартибига қўйиши ва шу йўл билан халқнинг миллий онги ҳамда руҳиятига таъсир этишга ҳаракат қилиши мумкин. Миллат учун бундай вазият, одатда, жуда зиддиятли кечиб, кўплаб салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Масалан, Германиянинг Гитлер ва унинг сафдошлари бошчилигида ҳукмрон доиралари ўзларининг жаҳон устидан ҳукмронлик қилишга қаратилган жиноий мақсадларини аксарият немислар онгига сингдириб, “бир аср давомида икки марта жаҳон урушининг сабабчисига айланди”¹. Муайян аксилгерман сиёсий кучларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатлари миллат онги ва руҳиятига, умуман, мамлакатдаги ижтимоий кайфиятга кучли таъсир кўрсатди. Аммо бундай четга чиқиш ҳолати онг ва ғояда вақтинча деформацияга сабабчи бўлса-да, унинг туб қатламларидаги моҳиятини ўзгартириб юбора олмаслигини тарихий тажриба кўп мартаба исботлади. Чунки қанчалик эҳтиросларга тўлиб тошмасин, у маърифатли немис халқи маънавиятига ёт эди.

Барчанинг онг орти импульслар сиртмоғига тушиши сир эмас. Миллий ғоя унинг ижтимоий-маънавий заминлари, вақтинчалик эҳтиросли ва гуруҳ манфаатларидан мутлақ устун туради. Қандайдир салбий таъсир остида ғояда содир бўлган деформацияни кўпчилик маъқуллаган эмас ва вақти-соати келиб, аллақандай абстракт мақсаднинг ўрнини номус, миллат олдидаги сиёсий жавобгарлик туйғуси эгаллаши тайин. Ҳозирги Германияда яқин ўтмишда халқнинг эътиқоди ва ҳиссиётига чуқур таъсир этган фашизм ғояларидан афсусланиш кайфияти кучайганлигининг сабаби ҳам шундан. Бу, ўз навбатида, тараққийпарвар немис халқининг миллий ғояси ўзининг туб тарихий, маънавий “илдизларига асосан қайтаётганлиги”дан тўла гувоҳлик беради.

XXI асрга келиб, барча минтақаларда “миллийлик” кучайган бир пайтда, шунингдек, дунё ва жамиятлар барқарорлигининг тақдири ҳам юқоридаги тенденциянинг қандай йўналиш олишига боғлиқлиги тобора ўзини намоён этаётган шароитда юқоридаги (Гитлер феномени) салбий мисолни бот-бот эсга тушириш фойдадан холи эмас. Умуман, миллий манфаатлар ниқоби остида турли аксилмиллий сиёсий кучларнинг тарих саҳнасида пайдо бўлиши турли мамлакатлар ва турли даврларда содир бўлган. Масалан, Италияда 1914 йилдан

¹ Леви М., Варикас Э. Американские придчи и адепты нацизма // Свободная мысль. – №. 2007. – С. 99.

эътиборан фашизм, мустанлакачилик ва ошкора иркчилик муддаоларини итальянларнинг асосий миллий ғоясига айлантиришга қаратилган. “Миллий ғоя” номи остида махсус расмий газета нашр этила бошлаган. Ушбу газетада тарғиб этилган “ғоя” Италия халқининг салоҳияти, тарихий манфаатлари ва мақсадларига зид бўлса-да, аҳолининг баъзи вакиллари, шу жумладан, турли қатламга мансуб ёшлар шуурида зиддиятли из қолдирди. Шу сабабли XX асрнинг ўрталарида Италияда фашизм билан бир қаторда унга батамом қарши бўлган антифашист ҳаракатлар ҳам кучайди.

Миллий ғояни сохталаштириб, ундан ўз мақсадига эришиш йўлида ҳаракат қилган кучлар ҳар доим тарих сахнасидан номнишонсиз, баъзан шармандаларча ғойиб бўлганлар. Нима бўлганда ҳам таназзул паллалари ҳар қандай миллат таракқиётида салбий из қолдиришини ёдда тутиш, демакки, бу каби баландпарвоз сиёсий ўйинларга жамият бағридан ўрин бермаслик зарурлигини фуқаролар билиши лозим бўлади.

Энг ачинарлиси, барча аксилмиллат унсурлар тарихий хотирага ҳам таянади, бунда улар ҳар бир шахс, миллати олдида турган барча вазифаларни ўзининг бурчи деб қарашидан келиб чиқади. Шунинг учун тарихни сохталаштиришга нисбатан ҳушёрликни қўлдан чиқармаслик керак. “Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир”¹, – дея таъкидлайди Юртбошимиз. Ўз тарихий хотираси мустаҳкам, бой маданий мероси, қадриятлари, миллий маданиятига ҳурмати баланд бўлган аҳил ва бирдам халқларда миллий ғоя теран ва барқарор бўлади. Аксинча, манқуртлик ҳолатига тушиб, ўз тақдири ва тарихига бефарқ қарайдиган, афсонавий фикрлар қулига айланган халқларда эса ғоя бўлса, у миллат эътиқоди даражасига кўтарила олмайди. Миллий бирдамликни англаш жараёни фақат эътиқодга айланган миллий ғоя асосида кечади. Шу маънода, атоқли украин файласуфи С.Крымскийнинг “ўз давлатчилигига, демакки, асрайдиган нарсасига эга бўлмаган этнос, эркин таракқиёт даврини босиб ўта олмайди”², – деган фикрига қўшилмоқ керак. Дарҳақиқат, ўзбекистонликлар гурурланса арзирлик шонли ўтмиши, кўп минг йиллик тарихига эга.

Миллий ғоя заиф бўлган ёки бир гуруҳ миллатпарастлар ўлжасига айланган жойда миллат вакилларининг бирлашишидан кўра,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотира сиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 15.

² Қаранг: Крымский С.Б. Метаисторические ракурсы философии истории // Вопросы философии. – №6. 2001. – С. 39.

бўлинишга мойиллиги кучаяди, миллатфурушлик, манқуртлик авж олади. Демак, миллий ғоянинг заифлиги миллий онг пастлигидан, миллатнинг сиёсий бирликка мансуб эканини англай олмаганидан келиб чиқади. Зотан, миллий ғоя миллат ҳаётининг маълум давридагина эмас, балки унинг бутун тарихи давомида шаклланиб, мавжуд имкониятлар, эҳтиёжлар ва заруриятлар тақозоси тарзида тобора ривожланиб, такомиллашиб бораверади. У миллий маънавиятнинг анча барқарор жабҳасидир. Шу боис, миллатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида тез-тез бўлиб турадиган янгиланишлар миллий ғояни бутунлай, бирданига ўзлаштиришга олиб келмайди. Зеро, ижтимоий-сиёсий тузумлар, бошқарув элитасининг муттасил янгиланиб бориши миллий ғоянинг бутунлай ўзгариши белгиси эмас. Улар гарчи ўзаро боғлиқ бўлсада, алоҳида функцияларга эга.

Тажриба кўрсатадики, миллий ғояни ҳам тарихий тараққиёт зарурияти яратади ва кун тартибига кўяди. Даҳолар миллат эътиқодига асрлар давомида сингиб келган ғояларга таяниб, уларни ривожлантириш орқали халқ оммасига раҳнамолик қилади, кўзланган мақсадларнинг амалга ошишига таъсир этади. Шу йўл билан миллий ғоя узлуксиз жараён сифатида чексиз такомиллашиб боради. Даврлар ўтиб, инсоний муносабатлар сиёсат, мафкура янгиланиб турса ҳам миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, сиёсий бирликлар тараққиётининг мўътадил омили бўлиб қолаверадики, уни миллатнинг шаклланиши жараёнида яққол кузатиш имконига эга бўламиз. Миллий ғоя – миллатни бало-қазолардан асраб қолиш имконияти. Бу руҳий имкониятни тазйиқ ва таъқиб билан йўқотиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, миллат “ўзини-ўзи уюштирувчи тизим”¹ сифатида қанчалик қудратли бўлмасин, меъёрдан ортиқ тазйиқ туфайли букилиши, заифлашиши мумкин, аммо барҳам топмайди. Унинг учун ўзини-ўзи барбод қилишдан бошқа барча хавф ўткинчидир. Мабодо, у барҳаётликни истаса, кўп омиллар билан бир қаторда ўз ғоявий таянчига алоҳида эътибор бериши лозим. Шу боис, миллат қанча таъқиб этилса, уни муайян этник бирлик сифатида йўқотишга бўлган ҳаракат кучайса, ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ руҳий қаршилик кўрсатиш имконияти янада орта боради. Бу қон-қонига сингиб кетган миллий ғоянинг инсон фаолиятида зарурат туғилган заҳоти намоён бўлишидир. Яъни миллат бор экан, миллий ғоя ҳам мавжуддир. Маълумки, мустамлакачилар ўзбек халқининг тарихини

¹ Лесков Д. Философия нестабильности // Вестн. Моск. Ун-та, серия-7, философия. – №3. 2001. – С. 45.

сохталаштиришга, жаҳондаги мавқеини заифлаштиришга, миллий анъана ва қадриятларини поймол қилишга мунтазам ҳаракат қилдилар. Бундай тазйиқ сиёсати бир ярим асрга яқин давом этди, афсуски, маълум натижалар берди ҳам. Лекин таъкиб кучайиши билан бир қаторда миллатнинг ўзлигини англашга, тарихи ва қадриятларини билишга интилиши ҳам ортиб борди. Хатто тоталитар тузум шароитида ўзбек тилига давлат мақоми беришни талаб қилувчи ҳаракатлар оммавий тус олиши, қолаверса, бу борадаги тарихий қадам бунинг исботидир. Оғир шароитларда ҳам ўзбеклар ўзига хос диний, миллий урф-одат, анъаналарини сақлаб қолдилар, маҳалла-қўйчилик, қўни-қўшничилик муносабатлари, миллий ахлоқ-одоб борасида ҳам айтарлик деформация юз бермади. Бу эса, “миллий ўзлик” ва “ғурур” тушунчалари кишилар онги ва эътиқоди, руҳи, қон-қонига сингиб кетганининг натижаси ҳисобланади. Узок вақт давом этган ғоявий-маънавий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятлари, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлдики, бунда ҳам миллий ғоямизнинг буюк яратувчанлик кучи яққол кўзга ташлан-моқда.

Тоталитар тузум даврида ўз она юртидан зўрлик билан қувғин қилинган қрим татарлари ва месхети туркларини Ўрта Осиёдаги маҳаллий халқлар билан ассимиляция қилиб юборишга ҳаракат қилинди. Ҳатто ўзининг тарихий этник номи билан аталиши ҳам тақиқланди. “Қрим татарлари” деган сўзнинг ўрнига умумий “татар” деган сўзни қўллаш тавсия этилди. Таълим-тарбия ишлари миллий тилларда олиб борилмади. Лекин бу тазйиқ қанчалик авжига минмасин, уларнинг бирлашиб, миллий манфаати ва кадр-қимматини ҳимоя қилиб, ўз юртига қайтиш ҳаракати йил сайин кучайиб борди. Бу – миллат вакилларини муштарак мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоянинг таъсири эди. Такдир уларни дунёнинг қайси бурчагида яшашга мажбур қилмасин, миллат миллатлигича қолаверди. Тарихда бундай мисоллар кам эмас.

Муайян этник бирликка мансубликни англаш ва қадрлаш, миллий бурч ҳамда масъулиятни ҳис қилиш, миллий-тарихий хоти-рани тиклашга интилиш, миллий тил, маданият, анъана, урф-одатларни эъзозлаш сингари туйғулар ҳар доим мавжуд бўлган. Шу боис, миллий муаммо бўйича йирик мутахассислардан ҳисобланган Эдуард Баграмовнинг миллат тушунчасига “умумий манфаатлари, ўзлигини

чуқур англаган, умумий урф-одат кўникмаларга эга ҳамжамият”¹, деб таъриф бергани бежиз эмас. Бу билан “миллат – ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсули”, деган қараш катта шубҳа остига олинди. Демак, миллат ўз ғоясига таянган тақдирда ўзини-ўзи қайта кашф қилишда давом этаверар экан. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин немислар икки мустақил давлатга ажратилди. Ўнлаб йиллар давомида уларнинг онгига бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган сиёсий мафкуралар тикиштирилди. Ташқи кучлар тазйиқи остида бир халқ ёки миллатда икки, боз устига бир-бирига зид “миллий ғоялар” шакллантирилди. Лекин бу уларнинг тарихи ва руҳиятида уйғоқ бўлган миллий ҳамжиҳатликка интилишни, тўғрироғи, уни ҳаракатлантирувчи маънавий куч – “немис ғояси”ни йўқота олмади. Корея икки давлатга бўлиб юборилса ҳам, халқнинг қалбида этник бирлик, у билан боғлиқ бўлган бурч ва масъулиятни ҳис қилиш туйғуси мавжуд. Худди шундай вазият, ўз вақтида, Вьетнамда ҳам кузатилган. Немислар, корейслар ва вьетнамликлар кечмиши шуни тасдиқлайдики, инсон ўз Ватанидан, миллати, она тупроғидан қанчалик узоқлаштирилса, унга шунчалик чуқур меҳр, эътиқод, ҳурмат-эътибор билан қарайдиган бўлар экан. “Миллий руҳ”нинг сир-у асрори, куч-қудрати ҳам шундадир.

Бинобарин, кишилар қалбида “социэтник бирликка” мансубликни чуқур англашнинг ижтимоий-сиёсий асосларидан ташқари, баъзан англаш ва тушунтириш қийин бўлган ирсий, онг ости омиллари ҳам мавжуд экан. Ватандан олисда яшайдиган ҳамюртларимиз ўзи, ота-онаси ва боболарининг киндик қони тўкилган юртни шу заминда яшаётган ўзбеклар каби севадилар. Инсон юртидан, элидан қанча олис бўлса, уни шунчалик кўп соғинади, кадрлайди. “Ўзга юртда подшоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўлганинг афзал”, деган мақолни ҳам Ватандан олисда кўп юриб, унинг дардини чеккан одамлар айтган бўлсалар керак. Узоқ муддат бошқа миллатлар орасида ўсиб – улғайган кишиларда ўзга эътиқод, ғоя ва маънавият таъсири қисман сезилиб турса ҳам, ўз миллий қадриятларига сиғиниш, интилиш эҳтиёжи ҳеч қачон бутунлай йўқолиб кетмайди. Ушбу жараёни ҳозирги замон атоқли испан файласуфи Мигель Кастельс “ўз-ўзини англашнинг буюк қудрати”, деб таърифлайди. Бугун бундай сирли, ўз асосига эга этник уйғоклик феноменининг илмий асосларини яратиш имконияти тўла мавжуд.

¹ Баграмов Э. Нация и национальная психология // Азия. – №36. 1993. – С.17.

Ўзбекистон жаҳондаги барча ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, кадр-қимматини ҳимоя қила оладиган ягона мамлакат, умумий Ватан эканини англаш ҳам миллий ғоя тизимига киради. Хориждаги холис ниятли юртдошларимиз ҳам Ўзбекистоннинг ютуқларидан мағрурланади, унинг бошига ташвиш тушса, руҳи изтироб чекади. Ватанни соғиниш ҳам ўзига хос ғоядир, яъни ҳаёти ва орзу-умидларининг шу Ватан билан боғлиқ эканлигини қалбан тушунишдир.

Миллий ғоя ҳақида эшитиш етарли эмас, уни қалбан ҳис этиш ва англаш керак, деган метафора ўринли. Инсон шундайки, улғайган сари тарихан шаклланган миллий айнанлик билан йўгрилиб кетган миллий маданияти, турмуш тарзи, анъаналари ҳамда урф-одатларига ҳурмат-эътибори, эътиқоди мустаҳкамланиб бораверади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир”¹. Шу сабабли миллий ғояга узок тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, ривожланиб, муайян бирликнинг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган руҳий замин деб қарамоғимиз керак. Бу руҳий ҳамда боқий замин миллат вакилларининг қалбида ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор, ёрқин тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, бурч ва масъулиятни ҳис қилиш туйғулари шаклида намоён бўлади. Миллий бирликни таъминловчи тил, этномаданий яқинлик, урф-одат муштараклиги миллий ғоянинг кучайишига таъсир этади.

Шу муносабат билан тараққиётда ворисийликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида сўз юритиш жоиз. Янги шароитда янгидан жонланган миллий ғоянинг заминида ўтган даврлардан эътиборан мавжуд бўлган эзгу ғояларнинг чуқур илдизлари ётади. Ворисийликнинг барҳаётлиги миллатнинг тарихий ўтмиши, бугуни ва истикболи йўлидаги мақсад ва манфаатларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигидадир. “Ўз ҳаётини тарихийлик ифодаси сифатида асраб қолиш, янги тарих саҳнасидан ном-нишонсиз тушиб кетмаслик учун маълум бир жамоавий ўз-ўзини англашни танлашдан бошқа йўл йўқ. Айнан шунинг ўзи борлиқнинг ворисийлигини таъминлайди”, деб таъкидлайди россиялик файласуф Алексей Панарин. Кўриб

¹ Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 507.

² Панарин А. Смысл истории // Вопросы философии. – №9. 1999. – С.9.

турганимиздек, ижтимоий мақомга эга ворисийликнинг сиёсий кўриниш касб этиши, яъни суверен миллий давлат манфаатларининг доимий таъминланиб бориши жараёнида ҳам айнан миллат ғояси муҳим роль ўйнар экан.

Барча халқларнинг табиий, маънавий, ижтимоий ривожланиш имкониятлари деярли бир хил бўлади. Шундай экан, XX асрнинг биринчи ярмида “баракали” ижод қилган нацист мафкурачилардан бирининг “германларга Худо тоғу тошлардан иборат яроқсиз жойда яшашни раво кўрган экан, бизнинг бурчимиз уни кенгайтиришдир”, деган фикри телбаликдан бошқа нарса эмас. Лекин уларнинг босиб ўтган йўли, орттирган тажрибаси ва шаклланган ҳаёт тарзи миллий ғоянинг шакли ва даражасига, унинг асосида ётган мақсадларнинг мазмуни ҳамда кўламига таъсир этади. Шу сабабли халқларни ирқий, эътиқодий мансублигига қараб, солих, қолоқ тоифаларга бўлиш аксилтарихий ҳисобланади. Айниқса, бугунги таҳликали даврда ҳар қандай миллатга ўзаро боғлиқликдаги, шунингдек, алоҳида ва ноёб дунё¹, – деб қарашни инсоният маъқуллаётган экан, унинг заминида улкан ҳикмат ётибди. Демак, миллий ғоянинг шаклланиши, амал қилиши, кишиларнинг фаолиятига таъсир этиши учун маълум шароит ва имкониятлар керак. Миллат, халқ яшаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муҳит, у амал қилаётган анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи ҳам миллий ғояни англаш даражасини белгилайди.

Тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтроқ, бир жойда жамулжам бўлиб яшаётган кишиларнинг руҳий-эътиқодий бирлиги, ижтимоий ҳамжиҳатлиги орқали уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик каби ибтидоий қарашлар ҳамда кайфиятларга ишонарли тўсик шакллантирилади. Бу эса жамият, давлат ва яшашни барқарорлаштиришнинг асосий шартларидандир. Модомики, ғоялар кишилар фаолиятини муайян мақсад сари бирлаштиришга қаратилган экан, бунда халқнинг уюшиши, биргаликда фаолият кўрсатишининг ички, руҳий имкониятлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон мисолида маҳалла бўлиб яшаш – муҳим ижтимоий, маданий-маърифий жабҳаларда бирдамлик, ҳамжиҳатликни кучайтирувчи ижтимоий-маънавий омилдир. Ўзбекистонда муайян тарихий шароитда, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма ҳисобланган маҳаллаларда яшовчи кишиларда юрт олдида жавобгарлик руҳининг кучли-

¹ Никитина Н. Проблема пространства в философии Павла Флоренского // Вестн. Моск. Ун-та, серия-7, философия. – №6. 1998. – С. 49.

лиги, кенг маънодаги миллийлик яққол кўзга ташланиб турлади. Ўзбеклар ҳозиргача ҳам уй-жой харид қилмоқчи бўлишса, кўпроқ миллатдошлари яшайдиган жойни танлашга ҳаракат қиладилар. Дарҳақиқат, бошқа халқларда ҳам худди шу фазилат бор. Том маънода, қалбидан миллийлик чуқур ўрин олгани учун ҳам бир миллат вакиллари тез тил топишади, яқин яшашга интилади. Юзаки қараганда, миллатчиликка хос жараёндек кўринган бу мойиллик, аслида ундай эмас. Бошқача айтиш жоиз бўлса, уни мустақиллик шароитида миллий давлати равнақи йўлида фуқароларнинг маҳалладаги жипслиги, умумхалқ сафарбарлигига маҳалла доирасидан туриб ўз ҳиссасини кўшишга интилишнинг яққол ифодаси, деб қабул қилиш лозим. Зеро, барқарор давлатнинг бош тамал тоши миллатнинг ҳамжиҳатлиги асосида қўйилади.

Шу муносабат билан бир жузъий ҳолатга эътибор берилса, ёмон бўлмайди. Масалан, аҳоли бир-биридан олис ҳаёт кечираётган жойларда уруғ-аймоқчилик кайфиятлари кучли. Улар ҳозиргача у ёки бу жойда бир-бири билан учрашганида қайси уруғга, қабилага мансублигини суриштиради. Уруғга мансублик туйғуси кишиларни этник бирликка мансубликни ҳис қилишдан кўра кўпроқ жипслаштираётгандек туюлади. Инсонлараро муносабатлар доирасида, ҳатто дўстлик, куда-андачиликда ҳам бу омилнинг таъсири бор. Буни умуммиллий ғоя, миллий бирлик, бирдамлик туйғуси уларнинг эътиқодида ҳали мустаҳкам ўрин олмаганлигининг ўзига хос кўриниши деб баҳолаш тўғри бўлади. Этник ёки миллий диаспора институтига ҳам шу ёндашувдан келиб чиқиб қаралса, айрим илмий-оммавий хулосаларга келиш мумкин. Аммо бундан кўз юмиб бўлмайди ва у объектив реаллик. Бироқ, унга нисбатан кундалик онг даражасида муносабат билдириш жиддий сиёсий ҳатоларга олиб келиши аниқ. Шу боис, реалликни аниқ ва ёт талаблари асосида бошқариш, яъни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Тўғри, ижтимоий жараённинг сиёсийлашуви бор гап. Лекин уларнинг ҳар бирига ўзига мос муносабат билдириш, яъни аралаштирмаслик илм учун ҳам, сиёсат учун ҳам қулайлик яратади.

“Ҳамшаҳарчилик”, “маҳалладошлик” ва “синфдошлик” бошқа жойлардагидек Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Аммо унинг миллатчиликка мутлақо дахли йўқ. Шундай экан, ҳар бирининг ечимини янги шароитдан ва керак бўлса, мустақиллик боис вужудга келган янги имкониятлардан излаш керак. Назаримизда, муаммо ечимининг бирдан-бир энг таъсирчан йўли миллий ғояни янгира

тушуниш ва талқин қилишдир. Миллий ғоя эса замонга мослашувчанлик салоҳиятини аллақачон исботлади. Эндиги вазифа ана шу чуқур ўзгаришни бошидан кечирган миллий ғояни фуқаролар ўз шуури ва онгидан ўтказиши зарур.

Жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини ўзи учун марказий йўналиш деб билган миллий ғоя бугунги кунга келиб, яна бир бор нималарга қодир эканлигини намойиш қилди. Хусусан, салбий ҳодиса ҳисобланган гуруҳбозликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга кўмаклашиши мумкин.

Гуруҳбозликка Президентимиз ўз пайтида “умуммиллий манфаатларни, уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни масъулият билан муштарак англамасликнинг натижаси”¹ деб изоҳ берган эди. У истиқбол йўллари белгилашда жиддий тўсик бўлиб, қулай шароитларда халқнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий бирдамлигига раҳна солмоқчи бўлаётган ташқи кучларнинг манфаатига ҳам хизмат қилиши мумкин. Ўзбеклар ўз тарихининг айрим даврларида ички зиддиятлар, турли босқинчилар олиб борган сиёсат таъсирида бир-биридан ажралиб яшадилар, турли майда давлатларга бўлиниб кетдилар. Бу эса маҳаллийчилик кайфиятини кучайтирди. Халқимиз мустақилликка эришиб, ўзининг яхлит миллий давлатини барпо этган шароитда аксилмустақиллик ва аксилдемократик кучлар таъсирига берилиб, мамлакатни яна бўлиб ташлашга, миллий ғояни заифлаштиришга интилиш ҳолатлари юз берганлиги барчага, айниқса, илм аҳлига яхши аён.

Маълумки, ижтимоий муносабатлар тизимида аждоодлар ва авлодлар ўртасида ворислик институти мавжуд, у барча халқларга бирдек хос. Лекин уни талқин қилиш ва қадрига етиш борасида улар ўртасида тафовут мавжуд. Ушбу соҳада ўзбек анъанаси, ўзбек андозаси, ўйлаймизки, кўз-кўз қилишга арзигулик йўлни босиб ўтди. Шунингдек, ворислик муносабатлари миллий ғояда алоҳида ўрин эгаллайди. Ворислик – мақсадлар, манфаатлар муштараклиги, тарих тажрибаси, ота-боболаримиз босиб ўтган мураккаб ва масъулиятли йўлнинг изчил давомийлигидир. Унинг сабоқлари ҳозирги кун ва келажак учун аҳамиятли бўлгани сабабли ҳам қадрланади. Зеро, тарихни билиш миллий меросимизни, ўтмиш сабоқларини ўрганиб, уларга таяниб, мустаҳкам ирода соғлом ақл билан олдинга боришдир.

¹ Каримов И.А. Раҳбар ташаббускор, талабчан ва албатта адолатли бўлмоғи лозим. 12–ж. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва катъий иродамизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 372.

Шу маънода, юқоридаги тенденцияни “англаб етилган заруратга”¹ айлантириш миллат муаммоси ҳисобланади. Ва шу йўсинда гоёлар тараққиётида ҳам ўз аксини топади. Ҳар қандай янги гоё ўтмиш мероси ва тажрибаси билан боғланиб, тизимни бойитиб янги босқичга олиб чиқади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 50 ёшдан юқори бўлган авлод катта тажрибага эга бўлиб, улардан олдинги авлод, ўзлари босиб ўтган йўл ва ҳаёт тажрибасига, шу асосда миллий гоёга ишонч ҳамда ҳурмат кучли бўлади. Бундай эътиқод ва тафаккур тарзи муайян консерватизмни ҳам юзага келтиради, лекин бу умуман салбий нарса эмас, балки жамият тараққиётининг муҳим бир зарурий омилидир. Буюк хитой файласуфи Конфуций айтганидек, “Ахлоқда консерватив бўлиш билан янгиликларга интилиш бир-бирини тўлдирувчи жараён-дир”. Бунёдкор “консерватив онг” мураккаб масалаларнинг оқибатини ўйламай, шошма-шошарлик билан ҳал этишга ишончли тўсик бўлади ва жамиятни реал имкониятлар билан боғлаб ўзига хос мувозанатлаштиради. Тараққиёт инсон ва жамият фаолиятига таянч ҳисобланган гоёларнинг такомиллашиб бориши асосида амалга ошади.

Миллий гоёнинг муҳим жиҳатларидан бири халқимизнинг тарихий хотираси, кишиларнинг ўз она юрти ва халқининг ўтмишига бўлган чексиз ҳурмати, ифтихоридир. Ўзбеклар кечмишида мазкур омил ҳам доимо устувор бўлганки, унинг асосий сабаби Ўзбекистоннинг ягона ватанимиз, шу тупроқда асрлар давомида аجدодларимиз истиқомат қилган ва унда келажак авлодларнинг ҳам яшаш ҳуқуқи борлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Тарихни асраш ва эъзозлаш, унга бўлган эҳтиром ўзбекистонликлар қадриятига айланиб, уларнинг қон-қонига сингиб кетган миллий анъана ҳисобланади. Шу боис, Президент Ислам Каримов буюк аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан унга ўрнатилган ҳайкални очилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Боғдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз кашфиётлари билан шуҳрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамisha туғилиб ўсган юртини соғиниб яшаган. Она ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки

¹ Қаранг: Егоров И. Принципы свободы как основание общей теории регуляции // Вопросы философии. – №3. 2000. – С. 9.

иймонли, диёнатли, ҳар бир одамга хос хусусиятдир”¹. Бу билан Юртбошимиз ўз тарихига нисбатан чексиз эҳтиром барча фуқароларга хос бўлиши зарурлигини таъкидламоқда.

Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, жоиз бўлса, ўзига хос “шарқона ахлоқ кодекси”ни ишлаб чиқишган. Комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган². Шу нуқтаи назардан, шахслар, комил инсонлар кечмиши миллатимиз, ўлкамиз тарихи билан уйғунлашиб, ибрат намунаси тарзида бизгача етиб келган. Унинг моҳияти инсоннинг инсонга бўлган адолатли муносабатидир. Жумладан, машҳур мутасаввуф олим Баҳовуддин Нақшбанд муҳтож инсонга ёрдам кўрсатишни энг савобли иш деб ҳисоблаган. Шу сабабли, инсонпарварлик миллий эътиқодимизнинг асосий мезони саналган.

Миллат ғоясининг умуминсоний муаммоларни ҳал этилишига нисбатан ижобий таъсири, бир томондан, миллий, иккинчидан, умуминсоний манфаатларни муштараклаштириш салоҳияти билан боғлиқ. Лекин бу миллий ғояда миллий манфаатлар қандайдир иккинчи ўринга суриб қўйилади дегани эмас. Акс ҳолда, ғоя ўзининг таъсир кучи ва йўналтирувчанлик қобилиятини йўқотган бўлар эди.

Ҳозир жаҳонда шундай вазият шаклландики, давлатлар ўртасида адоватни кескинлаштириш, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш йўли билан миллий манфаатларни асло ҳимоя этиб бўлмайди. Зеро, миллий тараққиёт шу миллат, мамлакатда мавжуд бўлган имкониятлар доирасида ҳеч қачон амалга ошмаган. Ҳар бир халқ ўз мустақил давлатига эга бўлса ҳам, борган сари эҳтиёжларининг бошқа мамлакат ва халқларнинг иқтисодий, маънавий, сиёсий, ижтимоий манфаатлари билан боғланиш жараёни чуқурлашиб бораётганлигини ҳисобга олиши зарур. Шунингдек, у миллат ҳам қанчалик бой тарихга, маданий меросга, иқтисодий ва ҳарбий кудратга эга бўлмасин, бошқа халқларни оёқ-ости қилиш, камситиш,

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 190-191.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунича ва тамойиллар. – Т.: Akademiya, 2007. – Б. 56.

бойликларини талаш йўли билан ўз кучи ва имкониятларини сақлаб қола олмайди. Бошқа халқлар билан тенг ҳуқуқли замонавий ҳамкорлик ҳамда шерикчилик муносабатларида бўлиш ҳам миллий моҳиятдан келиб чиқади ва шу тариқа, кўпчилик халқлар ҳамда элатлар умумий манфаати ва мақсадлар йўлидаги ҳаракатини бир-бири билан боғлайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёдаги барча жамиятлар, давлатлар, қолаверса, оддий одамлар учун ҳам барқарорлик ва истиқболга ишончданда юқоридаги манфаат йўқ.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, миллий ғоя моҳиятига кўра, мураккаб маънавий жабҳа ҳисобланади ва шу тарзда жамият барқарорлиги учун беназир маънавий ресурс вазифасини бажаради. Миллий ғоя муайян этник бирликка мансубликни ифодалайдиган онг шакли даражасидан, жамиятни миллатнинг тарихий тақдири ва истиқболга дахлдор манфаатларни рўёбга чиқаришнинг самарали йўллари сари етакловчи бир бутун таълимот кўринишини касб этгунича машаққатли масофани босиб ўтади. Ўзи ҳақида тасаввур, бурч ва масъулиятни ҳис этиш орқали кишиларнинг жипслашишига руҳий асос бўлса, таълимот сифатида у жамиятни энг устувор вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Унинг бирлаштирувчилик ва бунёдкорлик роли тарихнинг бурилиш давларида катта аҳамият касб этади, халқ онги, эътиқодига қанчалик чуқур синганлик даражаси айнан шундай давларда кўзга ташланади. Бундай шароитда (Ўзбекистон учун миллий мустақилликнинг дастлабки жўшқин ва сермазмун дамлари) ҳар бир миллат учун аниқ вақтнинг қиймати ниҳоятда ошади¹. Шу асосда у ёки бу миллат ғояси, демакки, орзулари, нияти, режалари, қолаверса, миллий манфаатлари аниқ тарихий босқичлар билан уйғунлашади.

Миллий ғояда миллатнинг маънавий тараққиёт даражаси, унинг ўз имкониятларини сарҳисоб қилиш салоҳияти ифодасини топади. Маданияти юксак, тарихий хотираси теран, миллий руҳи мустаҳкам, умуминсоний қадриятларни эъзозлаб, уларни маърифий билимлар билан уйғунлаштира олган миллатгина асрлар оша ардоқлаб келган миллий ғоясига асосланиб, янгича фаолият кўрсатиш имконига эга бўлади.

Жамиятлар, халқлар ва давлатлар фақат шу орқали ўз моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини авлодларга бус-бутун

¹ Содир бўлган сифатий ўзгаришларни акс эттириш салоҳиятини, ўзидан олдинги ва кейинги босқичлардан, шубҳасиз, фарқ қилишини ҳисобга олиб, вақтнинг бу кесимида олимлар "функционал вақт" деб таъриф беришмоқда.

қолдириши мумкин. Бизнингча, Ўзбекистон халқи бунинг уддасидан
чиқа олди. Тараққиёт ва истикбол масалаларини ҳал этишда уларга
таянмаслик эса халқнинг руҳияти, ғоявий куч-қудрати сусайган-
лигини англатади. Шу сабабли миллий ғояни тараққиётнинг асосий
шартига айлантириш йўли уни маънавият ва мерос, давр эҳтиёжлари
ҳамда имкониятлари, умуминсоний қадриятлар ва мақсадлар билан
муштарак ҳолда ривожлантириб боришдир.

4. Замон билан ҳамнафас миллий гоё – барқарорлик ва хавфсизлик гарови

Улкан тафаккур соҳиби Освальд Шпенгларнинг “қанча халқ бўлса, цивилизация ҳам шунча” деган фикрини асос қилиб оладиган бўлсак, барча халқлар, жамиятлар сингари Ўзбекистон ҳам ўзига хос бир цивилизация эканлигини эътироф этишга тўғри келади. Албатта, бу ҳали тўла тасдиғини топмаган бир хулоса ва унинг сабаби талайгина. Биринчидан, бугунги кунда цивилизацияга берилган таъриф-у-талқинлар “сон мингта” ва боз устига улар ўртасида ўзаро бир-бирини инкор этадиганлари ҳам мавжуд. Иккинчидан, “цивилизация” тушунчасига нисбатан қарашларда замонга ҳамоҳангликда янгиланиш жараёни кўзга ташланмаётир. Учинчидан, дунёда ҳар бир халқ ўзига хос ривожланиш қонуниятига эга. Шунингдек, назарий жиҳатдан у ёки бу жамият тизим даражасига кўтарилса, бунда ташқи ва ички таъйиқларга бардош бериш учун етарли тажрибага, яъни ўзини-ўзи асраш учун куч-қудрат, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши назарда тутилади.

Дунёдаги воқеа-ҳодисалар, ижтимоий жараёнларга бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро юқоридаги ҳолатни ватанимиз Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кузатиш имконига эга. Шу боис, илмий изланишнинг дастлабки саҳифаларидан Ўзбекистонга цивилизация сифатида ёндашган ҳолда, унинг ўз манфаатлари, барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашни муҳим масала сифатида танладик. Шундай экан, миллат раўнақи йўлида аجدодларимиз улардан қандай фойдаланишган ва бугунги кунда уларнинг барчасини мустақил тараққиёт йўлига сафарбар этиш учун жамиятимизда қандай имкониятлар мавжуд деган саволларга эътиборни жалб этиш лозим.

Тарихнинг мураккаб чалкашликларида ўралашиб қолмаслик учун Ўзбекистон жамиятининг бугунги салоҳиятига тахминан 500 йиллик давр нуқтаи назаридан муносабат билдириш мақсадга мувофиқ. Зеро, айнан шу давр тарихимизда эсда қоладиган, бугун ва истикбол учун қандайдир хулосалар қилишга имкон яратадиган воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Мазкур йиллар мобайнида Ўзбекистон “тарихий тизим”¹ сифатида тўла шаклланди. Ҳозирда дуч келинаётган қийинчиликларни енгишга бўлган салоҳиятимизни, жумладан,

¹ Розов Н. Национальная идея как императив разума // Вопросы философии. – №10. 1997. – С. 19.

жамият манфаатлари барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда, миллий ғоянинг нуфузини англашда ҳам ушбу тафаккур йўналиши ёрдам беради, деган умиддамиз.

Тарихдан маълумки, замонавий бошқарув тизимига асос солинишидан анча илгари улкан империялар мавжуд бўлган. Улардан баъзи бирлари турли хил сабаблар туфайли бир неча асрлар ва ҳатто минг йиллар мобайнида фаолият кўрсатган бўлса, айримларига узок муддат яшаш насиб қилмади. Профессор Николай Розовнинг тахминига кўра, “вилоятлардан доимий бож ёки солиқ йиғиш; амалдорлардан иборат марказлашган идора, яъни ҳукумат орқали уни тақсимлаш; жойларда айирмачилик ҳаракатларига зудлик билан барҳам бериш; император ҳокимиятининг нуфузини ошириш; ички ихтилофларни бартараф этиш мақсадида ҳарбий йўл билан янгидан-янги ҳудудий экспансиялар уюштириш”¹ тарихий тизим сифатида империянинг фаолиятини асрлар оша таъминлаб келган. Мазкур фикрни таҳлил қиладиган бўлсак, империяларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминловчи омиллар тизимида ғоявий ёки маънавий омил ўрин олмаган. Демак, ўша пайтларда, ғоя ёки бўлмаса, маънавий таянчга ҳожат бўлмаган. Жисмоний ҳарбий куч барча муаммоларнинг ечими учун бош восита ҳисобланган. Чунки мозийда, яъни жамиятнинг маданий савиясига кўра ғоя ёки маънавий салоҳият ҳақида ҳеч ким бош қотирмаган². Шу нуқтаи назардан, “ғоя – инсон ақл-заковати ривожининг маҳсули” деган фикрнинг тўғри эканлигига шубҳа қилиш ноўрин.

Тўғри, илк цивилизацияларда ҳам ғоялар бўлган, аммо уларнинг кўпчилигига улкан жисмоний ёки ҳарбий куч-қудратни улуглаш ҳос. Шу маънода, Ўзбекистон олимларининг, энг аввало, миллий ғоянинг тарихий, фалсафий ҳамда маънавий илдиэларига эътибор қаратганликларида ҳақиқат бор³. Зеро, миллат ҳақидаги тасаввурлару фикрларнинг маълум ички ёки ташқи таъсир остида миллат, халқ ва давлатлар мақсад ҳамда вазифаларини белгилайдиган ғоя даражасига кўтарилиши тарихий тараққиётнинг кейинги даврларига ҳос. Шундай экан, ғоянинг жамият таянчларидан бирига айланиши узок йилларни қамраб олувчи тарихий жараён дир. Унинг давлат сиёсати ҳамда

¹ Шу манба. – Б. 13-14.

² Доброхотов Р. Этика доверия // Свободная мысль. – №3. 2007. – С. 174.

³ Қарағ: Миллий истиқлол ғояси: тушунчалар ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

жамият салоҳиятига таъсири замонавий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни билан бевосита боғлиқ.

Ҳар бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилар экан, бу йўлда миллий ғоя ҳам “ташриф йўриқномаси”, ҳам стратегия вазифасини бажаради. Бинобарин, миллий тараққиётимизнинг маънавий-маданий таянчи (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таянчлар билан бир қаторда) ҳисобланган миллий ғоянинг шаклланиш жараёнини мустақилликдан сўнг асос солинган замонавий ўзбек давлатининг ички ва ташқи сиёсий фаолияти билан боғлаш тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, Ўзбекистон билан “тенгқур” янги мустақил давлатларнинг аксарият қисмида миллий ғоя ҳақида жиддий фикр юритилмоқда. XXI аср талаби, керак бўлса, залворига бардош бера оладиган мустақил давлат, жамият бўлиш учун миллий идеал, ғоя, шубҳасиз, зарур эканлиги ёш мустақил давлатлардан ишонч туйғуси чуқур илдиз отишини тақозо этмоқда. Бугунги кунда республикамизда ривожланиш ва барқарорликни таъминлашда миллий ғоя алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, кейинги пайтда мутахассислар мустақил давлатларнинг айримларида Грузия, Украинада барқарорликнинг издан чиқиши, ёт унсурлар тазйиқига бардош бера олмаслик ҳолатини миллат учун руҳий озуқа ҳисобланган миллий ғоя ва мафқуранинг йўқлиги ёки заифлиги билан боғлаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Мустақиллик сари интилаётган тизим сифатида, табиийки, жамият таянчларга эҳтиёж сезади. Аввал таъкидлаганимиздек, улар иқтисод, сиёсий тизим ва социо-маданий меъёрлардан таркиб топади. Уларнинг ҳаётга ташналиги, одатда, доимий тарзда ташқи ва ички омиллар таъсири остида бўлади. Демак, анча таъсирга берилувчан, ўзгарувчан бўлади. Лекин улар орасида жамиятнинг ўзига хос маънавий-ғоявий салоҳияти – миллий ғоя “бунёдкор консерватив”, маданият ва маънавият ташувчиси сифатида жамият тараққиётининг ички мантиғини белгилайди. Бундай омилдан керак пайтда унумли фойдаланиш жамиятнинг ўзига боғлиқ.

Яшаш шароити ва қандай қийинчиликларга дуч келишидан қатъи назар, жамият қуйидаги вазифаларни бажариши зарур: тазйиқларга жавоб бера олиш, аниқроғи, шу орқали кейинги ривожланиш учун зарур бўлган асосий жараёнлар ўрнининг тўлдирилиши; хокимиятнинг қийинчиликларни бартараф этиш йўлида жамият аъзоларини сафарбар қилиш салоҳияти; келажакда ҳам қийинчиликларни

қарши олишга қодир бўлган ижтимоий институтларнинг шакллантирилганлиги; жамият зиёлилари, яъни маънавий раҳнамосининг синовдан ўтган жавоб услублари ва институтларни тизим асосини белгилаб бораётган маданий андазалар маконига олиб киришга бўлган қобилияти”¹. Сўз вужудга келаётган янги ижтимоий институтлар ва тартибларнинг анъаналар билан алоқадорлиги ҳақида бормоқда. Кўриб турганимиздек, ушбу ҳолатда ҳам жамият таянчлари каторида ҳарбий ва иқтисодий ресурслардан кўра, аксарият маънавий-ғоявий омилларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Жамиятни сақлаш, авваламбор, миллатни турли хавф-хатардан асраб, авлоддан-авлодга етказиш, унга эришиш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида сўз юритиш орқали ғоявий таянчни танлаш жараёни силлиқ кечмаслигига ишора қилган эдик. Дарҳақиқат, тарих фақат ғалабалар ҳамда шон-шуҳратлардан иборат бўлмасдан, унда ўпирилишлар ҳам юз бериб туради. Мазкур умумий тенденция барча миллатлар ҳаётида турли даврларда, турлича кузатилган. Аниқлик киритиш мақсадида баъзи бир мисолларга мурожаат этсак. Масалан, дунёнинг энг қадимий цивилизацияларидан бири бўлган Греция айнан шу ҳудуд доирасида дунё ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллаган ҳолда барҳаётдир. Бу сингари цивилизацияларни бармоқ билан санаш мумкин. Аммо кейинги пайтларда ўзлигини сақлаб қолиш ва ушбу таҳликали замонда янада мустаҳкамланиш жараёни Греция учун осон кечмади. Грекларни грек қилган “Буюк ғоя”² бир неча бор тарихнинг қақшатқич зарбасига дуч келди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, муттасил замон интилишларига мослашиш қобилияти ҳамда уни амалга оширган тарихий шахслар туфайли, ғоя ҳам, Греция ҳам тўфонлардан омон қолди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Греция кетма-кет чуқур инкирозни бошидан кечирмоқда эди. Сиёсий режим ўзгартирилиб, ҳокимият Иоаннис Метаксас издошлари қўлига ўтди. Айнан улар юқорида зикр этилган “Буюк ғоя”ни замон талабига мослаган ҳолда, яна сиёсат кун тартибига қўйишнинг уддасидан чиқиши шарт эди.

¹ Розов Н. Национальная идея как империя разума // Вопросы философии. – №10. 1997. – С. 24.

² Ушбу ғоянинг марказида Грециянинг қадимий империя мавқеини тиклашга интилиши ётади. Қаралсин: Петрунина О.Е. Идеология “Великая идея” и “третья греческая цивилизация” в интерпретации И. Метаксаса.

Тадқиқотга алоқадор бўлмаса-да, бир жиҳатни алоҳида таъкидлаган бўлар эдик, у ҳам бўлса, греклар миллий ғоясини модернизациялаштириш, янгилаш орқали ўзлигини асраб қолган. Миллий гурурни қайта тиклаш ёрдамида Греция жаҳонда ўз мавқеини тиклашга муваффақ бўлди.

Миллий ғояни қайта идрок этишдек, худди шундай оғир даврни Россия ҳам, жумладан, 1856 йилда Қрим компаниясидаги мағлубият¹ ва 1991 йилда Иттифокнинг парчаланиши жараёнида бошидан кечиришига тўғри келди. Аммо тез орада, биринчи навбатда, миллий ғоянинг стратегик жиҳатдан устувор даражага кўтарилиши натижасида бу мамлакат яна қаддини ростламоқда. Кўриб турганимиздек, тарихнинг барча даврларида у ёки бу давлат, миллат “берк кўчага” кириб қолганда, маънавий янгиланиш, ҳаёт фалсафасига эътиборни кучайтириш уларни таназзулдан халос этган.

XXI асрда, яъни инсониятни маънавиятгина таназзулдан халос этиши мумкин бўлган бир пайтда, миллий маънавиятга, унинг ўқ томирларига хуруж тобора ортиб бормоқда. Инсоният руҳияти ва аксилинсоний унсурларнинг таъсири яққол сезилаётган шароитда, жамият барҳаётлигининг таянчи ҳисобланган ғоявий фундаментларга ҳужум кучайди. Онгли равишда “Ғарблаштириш” амалиётида айнан шунини кузатмоқдамиз. У, асосан, “бозор ва империявий фундаментализм”, “неолиберал глобализм”, “инсониятни бўлиб ташлаш”² “нон ҳамда ҳукмронликни ўзи учун саждагоҳ деб билган атлантизм”, “инсоният танасини илоҳийлаштириш”, “моддийликни улуғлаш”, “барчанинг барчага қарши уруши”, аллақандай “очик жамиятни ижтимоий бошқаришнинг энг юқори чўққиси”, деб эълон қилиш жараёнида кўзга ташланмоқда. Ачинарли жойи шундаки, мамлакатимизда ҳам “онгли ва онгсиз” тарзда юқорида келтирилган тушунчалар ёки ибораларни кундалик муносабатларда, илмий ва оммабоп нашрларда нафақат муомалага киритиш, боз устига уларга хайрихоҳлик билан қараш ҳолатлари рўй бермоқда. Онгимиз ва маънавиятимизни сийқалаштириб бораётган ёт кадриятларга қарши курашиш зарур бўлган бир пайтда, “очик жамият” ёки “неолиберал глобализм”га мойиллик кучаймоқда. Аслида, “неолиберал глобализм” ғоясининг миллий менталитетга салбий таъсирига кўра

¹ Рясенцев К., Ширинянц А. М. П. Погдин и поиск русской национальной идеи // Вестн. Моск. Ун-та, сер. 12, Политические науки.

² Нарочницкая Н. “Русский вызов” – сенсация в политологии // Международная жизнь. – №5. 2001. – С. 90, 91, 93, 94, 95.

“диний акидапарастлик”дан афзаллиги йўқ. Шундай экан, қайси жаҳоний динни рўқач қилмасин, миллий ғояни заифлаштириш, илдишлардан узилишни тарғиб қилиш учун онгимизда жой бўлмаслиги зарур. Масалан, жозибадор космополитизм билан диний фундаментализмни олайлик. Қайси жаҳоний динга таянмасин, уларнинг иккаласи ҳам фуқароларимизни “келажаги буюк давлат барпо этиш” ғоясидан баб-баробар йироқлаштиради. Шу боис, аллома И.Кант: “Таянчларидан жудо бўлган инсонлар соғлом жамият кура олмайди”¹, деб ўз пайтида айна ҳақиқатни айтган эди. Назаримизда, бугун тарихий ривожланиш шундай бир босқичга кириб келдики, дунёни бўлиб олишни мақсад қилиб олган кучларга тўсиқ вазифасини ўтайдиган омил – миллатларнинг маънавий-ғоявий соғломлигидир.

Бугун мустақил ривожланиш босқичига кадам қўйган давлатларни Ғарб тараққиёти моделини қабул қилишга мажбур қилиш ёки бўлмаса маънавий-маданий илдишларидан ажратиш сиёсати ошқора авжига чиқмоқда. Бу йўлда яхшигина хизмат қилаётган “нодавлат ташкилотлар” деб номланувчи муассасаларга катта маблағ ажратилмоқда. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг минтақамиз ҳам “уларнинг” назарига тушиб қолди². Яъни Марказий Осиё “демократия фаолроқ ва тезроқ ёйилиши лозим бўлган ҳудудлар” рўйхатидан жой олган мақсад воситаларни оқлайди” қабалида фаолият олиб бораётганлар учун “нишондаги” маконларда уларга маъқул сиёсий тизим ўрнатилса бас. Аммо “ғарбона яшаш ёки “тафаккур қилиш”га мажбурлаш, ёхуд уни кўплаб давлатлар бошқаруви ва маънавиятига тикиштириш стратегияси, хусусан, Марказий Осиёда кутилган натижани бергани йўқ.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ёки Марказий Осиё бўладими, ундан қатъи назар, у ёки бу цивилизация, халқнинг ўз анъанавий кўникмаларидан, маънавий илдишларидан воз кечиб, бошқа бирини ҳазм қилиши жараёнлар орасида энг мураккабларидан бири ҳисобланади. Шу боис, айрим мутахассислар, ғарблашувда учта, яъни сиёсий, иқтисодий ва эмоционал жиҳатларни алоҳида ажратган ҳолда, улардан айнан учинчиси, ҳаддан зиёд чалкаш ва хавфли эканлигига бежиз эътиборни жалб этишмаяпти³. Афтидан, “демократияни ёйиш”

¹ Иммануил Кант. К вечному миру. 1795. – М., 1972. – С. 157.

² Павлов О., Алексеева О. История одного проекта демократизации на Ближнем Востоке // Международная жизнь. – №5. 2007. – С. 71-85

³ Доминик Муази. Эмоциональное измерение глобализации // Свободная мысль. – №4. 2007. – С. 60.

сиёсати тарафдорлари буни англаб етмаганга ўхшайди. Зеро, миллий ғояни такомиллаштириш, яъни замонга уйғунлаштириш ва уни бошқа бир ғояга алмаштириш ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Бемалол айтиш мумкинки, муаммога аллақачон чек қўйилган. Миллий ғоя, унинг пировард мақсад-вазифаларига нисбатан турли миллат ёки динларга мансуб фуқароларимиз онгида тўла яқдилликнинг янада чуқур илдиз отишида мустақиллик даври алоҳида ўрин тутади. Айрим мамлакатларда ягона миллий ғояга нисбатан яқдиллик у ёқда турсин, ҳали унинг керак ёки керак эмаслиги ҳақида баҳс-мунозаралар кечаётган бир пайтда, Ўзбекистондаги аҳволни улкан илқилобий ўзгариш дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, Санкт-Петербурглик сиёсатшунос А.Сергунининг қуйидаги фикри алоҳида аҳамият касб этади: “Тараққиёт йўналиши, ижтимоий идеал, миллий манфаатлар, миллий ғоя сингари фундаментал тушунчалар бўйича миллий яқдиллик бўлмаган мамлакатда унга нисбатан қандай таҳдидлар мавжуд, улардан қайси бири ўтмишдан қолган миф ва миш-миш ёки бугун шаклланганми, деган саволларга жавоб топиш ўта мушкул”¹. Зотан, “илм-фан билан сиёсат бир-бирига чамбарчас боғлиқдир”². Бинобарин мустақилликдан сўнг фундаментал тамойиллар, жумладан, миллий мақсад борасида яқдилликнинг шаклланаётганлиги Ўзбекистон учун бунёдкор ютуқ ҳисобланади.

Доктриналар аслида бесамар ғоялар, у ёки бу даражада асосланган назариялардир. Аммо айнан шу назариялар инсонлар ва бутун бошли халқларнинг ўзига хос анъанавий хусусиятларини сунъий ёки маккорона ишлов берилган конструкцияларга алмаштириши мумкин”³, – деб ёзади В.Расторгуев.

Миллий ғоянинг асосий жиҳатларидан бўлмиш миллий манфаатларга содиқлик ва бу масалада муросасиз бўлиш консерватизм ҳам, миллатчилик ҳам эмас⁴. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида миллий қадриятларимиз, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш сиёсати миллий ғоянинг

¹ Сергунин А.А. Проблема национальной и международной безопасности в теории международных отношений. // Вестн. Моск. Ун-та, сер. 13, Социология и политология.. – №2, 2004. – С. 3–45.

² Шу манба.... – С. 5–6.

³ Расторгуев В. Этнокультурные измерения политики: доктор риска или гарант безопасности? // Вестн. Моск. Ун-та, сер-12, Политические науки. – №1, 2007. – С. 4–5.

⁴ Соловей В. Рождение нации. Исторический смысл нового национализма. // Свободная мысль. – №6. 2005. – С. 3–17.

муҳим жиҳати бўлса, иккинчи томондан, у “тарихий-ижтимоий, сиёсий ва маданий яхлит тизим сифатида давлатнинг энг муҳим таянчи саналади. Шундай экан, миллий ғоя билан миллатчиликни “кориштириш” ёки давлатчилик барпо этишни рўқач қилиб, туб миллатда бошқа қардош халқларга нисбатан ҳурматсизлик ҳиссини уйғотиш бугунги кун талабларига тўғри келмайди. Афсуски, айрим жойларда юқорида келтирилган ижобий жиҳатларга зид ҳолатлар кўзга ташланади. “Оператив социологияга мурожаат қиладиган бўлсак, – дея хабар беради, россиялик тадқиқотчи Э.Паин, – замондошларимиз қалбида миллатчиликнинг кенг ёйилиш тенденциясини кузатиш мумкин”¹. Дарҳақиқат, Россияда фаолият кўрсатаётган Россия Фанлар академияси ВЦИОМ, ИКСИРнинг маълумотларига кўра, сўнгги олти йил мобайнида Россияда айнан руслар бошқа миллат вакилларига қараганда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлиши керак, деган фикр тобора кучаймоқда. Жумладан, 2004 йилга келиб, русларни “ҳаммадан устун” деб ҳисобловчилар миқдори Россияни “умумий уйимиз” деб атайдиганлардан ошиб кетди. Шу билан бир қаторда, Россиядаги кеснофобия ёки этнофобия Европадаги аналогларидан фарқ қилган ҳолда, асосан, аҳолининг ёш қатламини қамраб олаётганлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Миллатчилик, ўз насл-насабини ҳаммадан афзал деб билиш билан боғлиқ ғояларни ошқора тарғиб қилиш кўпгина мамлакатларнинг кундалик юмушига айланиб қолди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик сиёсати бошқа давлатлар учун ўртак бўлиши тайин. Юртимизда миллатлараро шубҳа ва ҳадиксираш эмас, аксинча, барча этник ҳамда конфессионал гуруҳларнинг миллий ғоя ташувчи ўзбеклар атрофида жипслашиш ҳолатини кўрамиз. Ушбу долзарб ва муҳим тенденциянинг замирида ўзбекларга хос бағрикенглик, бошқа халқларнинг қалбида эҳтиром туйғусини шакллантириш ётади. Ҳолбуки, ўзбеклар амалиётида миллатни эъзозлаш ҳар доим “маданий ҳодиса” тарзида намоён бўлган. Миллийлик маданиятимиз равнақиға, унинг дунё маданий жараёнида муносиб ўрин эгаллашиға кўмаклашган.

Ўзбекликни, ўзбекчиликни чуқур англаш ҳеч қачон сиёсийлашмаган, яъни сиёсий дастур тарзида бошқаларға қарши қўйилмаган. Шу боис, унинг “сиёсий-ғоявий оқим” даражасиға

¹ Панин Э. Куда движется этнополитический маятник // И.Г., 27.05.2003.

чиққан миллатчиликка мутлақо алоқаси йўқ". Миллатчилик ва миллийлик ўртасидаги тафовутни чуқур англаш заруратидан келиб чиққан ҳолда, яна шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳар доим этник бағрикенглик биринчи ўринда турган. Олимлар таъкидлаганидек, Ўзбекистонда миллийлик маданий тизим тарзида талқин қилиниб келган. Айнан шу тарзда у жамият равиши, манфаатлари, барқарорлиги, қолаверса, хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берган. Чунки миллий туйғу миллатга, жамиятга хизмат қилиши учун сиёсийлашуви шарт эмас.

Тарихга назар ташласак, гарчи, миллий ғоя жамият туб манфаатларини акс эттирган бўлса-да, ҳеч қачон сиёсий ғоя ёки байрок бўлмаганлиги ойдинлашади. Бошқа миллатлар тарихи билан таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистонда миллат идеалининг сиёсий ҳаракатга айланиши, шу тарзда бошқаларга қарши ишлатиш учун ҳожат ва шароит бўлмаган. Ўзбекистонликлар тарихнинг оғир дамларида ҳам кўпчилик этнослар учун табиий бўлган муваффақиятсизлик, қийинчиликларни бошқа бир миллатнинг "иши" деб қарашмаган. Шундай пайтларда ўзига танқидий ёндашиб муваффақиятсизликлардан сабоқ олиб, шу асосда олға интилган. Бу айниқса, мустақиллик йилларида яққол кўзга ташланди. Масалан, истиқлол даврининг дастлабки ўзига хос мураккаб ва қийинчилик шароитида халқимиз эсанкираб қолмади. Ортиқча ҳиссиётларга берилмади. Бизни кўролмаган кучлар томонидан Ўзбекистон ҳақида асоссиз фикрлар тарқатилишига қарамай, уларни табиий равишда қабул қилди. Бугунги кунда республикамиз МДХ давлатлари орасида иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакат ҳисобланади. Бу, фикримизча, Ўзбекистонга хос хусусиятлар билан бир қаторда, миллий толерантлигимиз, шу туфайли ҳукм сураётган миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити натижасидир. Мустақиллик йиллари, унинг мураккаб сўқмоқ йўллари миллий ғоямизни ўзига хос синовдан ўтказди, десак бўлади. Айрим мамлакатларда миллийлик, яъни уларнинг "миллий ғояси" мустақиллик учун жиддий қийинчиликларга сабаб бўлган бўлса, бизда эса миллий ғоя яна бир бор замон руҳи билан ҳамнафаслиги, маърифий мослашувчанлигини намойиш этди. Янги давр талаблари билан уйғунлашиб бораётган миллий ғоя Ўзбекистоннинг куч-қудратини янада мустаҳкамламоқда.

Мустақиллик йилларида миллий ғоя эскирган, даврга тўғри келмайдиган стереотипларни четга чиқарди. Миллатнинг мозийдаги зафарли юришлари, географик қамровига оид примитив кундалик

турмуш даражасидаги тасвирлар кескин ўзгартирилди. Миллат тарихини турли жойлар ва даражаларда бесамар улуғлашга интилиш бекорчи амалиёт, яъни сиёсатга алоқаси бўлмаган утопия эканлиги чуқур англаб етилди. XXI аср билан ҳамоҳанглик сари борилди.

Бир пайтлар машҳур сиёсатчи Х.Маккиндер: “Одамларнинг шунчаки тўдасидан тубдан фарқ қилувчи миллатни шакллантирадиган ғоялар, одатда, ё умумий тушкунлик, бахтсизлик ёки ташқи кучга қаршилик кўрсатиш зарурати натижасида ўзини яққол намоён этади”, деган фикрни илгари суради. У “Англия ғояси” агар данияликлар ва норманлар босқини даврида шаклланган бўлса, Франция ғоясига хуннлар сабабчи бўлганлигини мисол келтириб исботлашга уринган. Шу маънода, “Европа цивилизацияси асрлар давомида осиёликларга қарши кураш натижасида мустақамланди”,¹ – деган хулосани ўртага ташлаган эди.

Дарҳақиқат, Британия империяси гуллаб-яшнаган даврда, яъни 1904 йилда империянинг равнақига сидқидилдан хизмат қилган географ томонидан айтилган бу фикрни қайсидир маънода замон ва макон нуқтаи назаридан эскирган деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Лекин дунёда баъзи хулосалар борки, биринчидан, тараққиётнинг фундаментал қонуниятларини акс эттирганлиги боис, замон ва макондаги ўзгаришлардан устун турса, иккинчидан, улар ўтмишдаги у ёки бу воқеанинг қайтадан “жонланиши” жараёнида “умрбоқий”лик касб этади. Агарда Х.Маккиндер мулоҳазаси хусусида холисона ўйласак, унинг қайси бир жиҳати билан Ўзбекистондаги жараёнларнинг айримларига талқин беришда асқотишига амин бўламиз. Масалан, бугун Ўзбекистонда миллий ғояга, аниқроғи, “Ўзбекистон ғояси”га бўлган ижтимоий эҳтиёж, унга такрор ва такрор мурожаат этиш феномени, қисқа давр ичида икки маротаба кўзга ташланди. Улардан бири мустақиллик, миллий давлатчиликнинг тарихий ғоявий-сиёсий асосларига нисбатан айрим кучлар, давлатларнинг эътиборсизлик амалиёти билан алоқадор. Айнан шу тарихий дамларда Ўзбекистонда “биз киммиз, қандай сиру синоатмиз, бу ёруғ дунёда ўрнимиз қандай бўлади?”, – деган фундаментал савол шахсан Президентимиз томонидан ўртага ташланди. Пировардида, мамлакатда ўтмишимизни чуқур ўрганиш ва уни бугунги вазифаларимиз билан боғлаш жараёни бошланди. Кейингиси эса назаримизда, 2005 йилга тўғри келади. Ўзбекистон барча жабҳаларда арзигулик ютуқлари билан жаҳон

¹ Маккиндер Х. Взгляд и методы географии. Географическая ось истории. Санкт-Петербург. 1999. – С. 33.

аҳлининг эътиборини торта бошлади. Натижада, бизга ким дўсту, ким душманлиги яққол аён бўлди. Ўзбекистон “янги рангли инқилоблар глобал стратегияси” деган халқаро амалиётнинг эътиборини ўзига тортганлигининг боиси ҳам шунда. Бинобарин, глобал душман кучлар ўз ниятларини, яъни миллий тараққиётимиз, ўзбекчилигимизни барбод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини яширишга улгурмади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, асрлар оша миллий ривожланишимиз давомида рўй берган воқеаларга юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ёндашсак, миллий ғоя моҳиятига оид баъзи саволларга жавоб ўз-ўзидан пайдо бўлади, яъни миллий ғоя ҳақида миллатнинг жиддий ўйлаши, ундан мадад олишга одатдагидан кўра кўпроқ интилиши “умумий зарурат” эканлигига бориб тақалади. Ҳар иккала вазиятда ҳам миллий ғоямиз душман кучларга қарши муносиб жавоб тарзида ўзини намоён этди, десак хато қилмаган бўламиз.

ХУЛОСА

Муаммони ўрганиш билан боғлиқ катор илмий-назарий адабиётлар таҳлили, дунёнинг барча мамлакатларида жамият тараққиёти ҳамда барқарорлиги устувор даражада миллат ғояси билан боғлиқ эканлигини Ўзбекистонда содир бўлаётган бугунги жараёнларга татбиқан ёритиш қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келиш имконини берди.

Миллий ғоя миллат ақлу заковатининг маҳсули сифатида объектив равишда ушбу миллат, жамият манфаатлари, барқарорлиги ва хавфсизлигига йўналтирилган экан, айрим сиёсий гуруҳлар томонидан ўз сиёсий мақсадлари йўлида ундан фойдаланишга интилиш миллатга, керак бўлса, ғоянинг ўзига жиддий путур етказиши, пировард-натижада жамиятнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлиши мумкинлиги тарихда ўз исботини топган. Худди шундай кўнгилсиз жараёнлар тараққиётимизнинг айрим боскичларида халқимизни, миллатимизни четлаб ўтмади. Аммо аجدодларимиз бундай хавфхатарларни ўз пайтида англаганликлари боис, миллий ғоямиз асрлар қаъридан йўл топиб бугунги манфаатларимиз, тараққиётимиз ва осойишталигимизга беминнат хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, ушбу ҳолатнинг замирида ўзбек халқига хос улкан кадриятлар (жамоатчилик, миллий ғурур, ёруғ келажакка бўлган буқилмас ишонч, юрт хизматиغا доимо тайёргарлик салоҳияти ва бошқалар) ётади.

Жамият манфаатлари, равнақи ва осойишталигини таъминлашда миллат ғоясининг ўрни ва нуфузига оид илмий адабиётлар таҳлили, кундалик кузатувлар, умуман, мамлакат ҳамда унинг ташқарисида содир бўлаётган жараёнлар, воқеа-ҳодисаларни баҳолаш, уларга муносабат билдириш шуни кўрсатдики, бугунги мураккаб замонда миллат ғоясининг халқ ва мамлакат манфаатларини таъминлашдаги ролининг ошиб бориши, авваламбор, ўз миллий салоҳияти ва мослашувчанлик қобилиятига боғлиқ. Шундай экан, миллий ғоя бағрида содир бўлаётган ўзгаришларга унинг дунё сиёсий жараёнлари билан уйғунлашуви, жамият манфаатлари, миллий тараққиётимиз ва хавфсизлигимизни янада самаралироқ таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Миллий ғоя айнан шу салоҳияти туфайли жамият равнақи ва барқарорлигининг ишончли кафолати даражасига кўтарилиш баробарида, Марказий Осиёдаги жараёнларнинг ортиқча силкинишсиз “фаолият кўрсатиши”да ҳам муҳим, ижобий унсур сифатида ўзини намоён қилди. Миллий ғоя бир неча

минг йиллар давомида тарихнинг огир синовларини бошидан кечирган ҳолда, бугунга келиб ҳам яшовчанлигини, яъни меъёр доирасида мослашувчанлигини намойиш этдики, айнан шу жиҳати билан у тараққиётимиз ва замонавийлашувимизнинг кудратли маънавий таянчига айланди. Халқимиз ҳамда жамиятимиз манфаатларини таъминланиш жараёни бошқа узоқ ва яқин минтақалар, давлатларнинг бизга бўлган муносабатига ҳам бориб тақалади. Шу маънода, миллий ғоя нимаики ижобий ўзгаришларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси Ўзбекистон равнақи ва барқарорлигига беминнат хизмат қилмоқда. Зеро, дунёда айрим давлатлар ҳаётида унга тамомила тескари воқеалар ривожини, яъни миллат ғоясининг давр билан мослаша олмаганлиги боис, жамиятга фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтираётганлигини кузатиш мумкин.

Ҳар қандай ғоя ҳам миллий ғояга айланиши учун, биринчи навбатда, унда салоҳият бўлиши, жамиятдаги барча қатламлар манфаатини ўзида тўла акс эттириши лозим. Аммо бундай даражага миллий ғоя ўз-ўзидан стихияли, бирорта-бир муҳим турткисиз чиқа олмайди, яъни ҳар доим миллий ғоянинг амалиётга ўтиши, фаолият манбаига айланиши учун ҳам ишида, ҳам шахсида уни мужассамлантирган муносиб сиёсий субъектга зарурат сақланиб келган. Айнан шу тарихий масъулият, вазифа, жоиз бўлса, сиёсий жавобгарлик Ўзбекистон давлатининг биринчи Президенти Ислам Каримов зиммасига тушди. Аксарият ўзаро қарама-қарши фикрлар, сиёсий концепциялар ва кучларнинг демократик муҳитга кириб келиши билан боғлиқ тамомила янги шароитда жамиятда барқарорлик, тараққиёт ресурслари ва хавфсизликни асраб қолиш, қолаверса, унинг моддий, интеллектуал ҳамда маънавий таянчларини излаб топишдек тарихий миссияни Президентнинг шахсан ўзи бажариши лозим бўлди. Узоқ йиллик сиёсий раҳбарлик тажрибаси, вужудга келган вазиятни чуқур таҳлил қила олиш салоҳияти ва ниҳоят зиддиятли жараёнларга нисбатан аниқ хулосаларга келиш имконияти халқни, миллатни ягона мақсад атрофида бирлаштиришда қўл келди. Миллий ғояга бўлган умумхалқ хоҳиш-иродаси туфайли Ўзбекистон тарих синовларига муносиб бардош бера олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-ж. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва булук келажакка ишончдир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Раҳбар ташаббускор, талабчан ва албатта адолатли бўлмоғи лозим. 12-ж. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродаимизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.: Ўзбекистон, 2005.

Қўшимча адабиётлар

6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Академия, 2007.
7. Қуронов М. “Эзгу ғоялар рўёби” – Маънавият, 2011.
8. Очилдиев А. “Ахборот асрида ёшларнинг дунёқараши” Мухаррир, 2010.
9. Муитов Д. “Ахборот асрида ёшларнинг дунёқараши” Маънавият, 2013.
10. Тўраев Ш. “Демократик жараёнлар ва миллий ғоя” Маънавият, 2008.
11. Мамашокиров С. “Эзгу мақсад йўлида” Мухаррир, 2008.
12. Қаҳҳорова М. “Маънавий идеал” Мухаррир, 2008.
13. Холбеков А, Матибоев Т. “Демократик ғоялар ва ижтимоий адолат” Академия, 2008.
14. Қўчқоров В. “Маънавият ва миллий ўзликни англаш”, Академия, 2008.
15. Эркаев А. “Маънавият ва тараққиёт” Маънавият, 2009.
16. Андерсон Б. Воображаемое сообщество. Размышления об истоках и распространении национализма. – М., 2001.
17. Баграмов Э. Нация и национальная психология // Азия. – №36. 1993.
18. Белокреницкий В.Я. Проблемы и перспективы формирования Центральноазиатского региона // Восток–Оrients. №4, 1996.

19. Бердяев Н.А. Судьба России. – М., 1990.
20. Вернадский Г.В. Начертание русской истории // Евразия. Исторические взгляды эмигрантов. – М., 1992.
21. Доброхотов Р. Этика доверия // Свободная мысль. – №3. 2007.
22. Доминик Муази. Эмоциональные измерения глобализации // Свободная мысль. – №4. 2007.
23. Егоров И. Принципы свободы как основание общей теории регуляции // Вопросы философии. – №3. 2000.
24. Замятин Д. О пространственных отношениях на поверхности земного шара. // Полис, №2, 2005. – С. 102–103.
25. Збигнев Бжезинский. Великая шахматная доска. – М., 1999.
26. Павлов О., Алексеева О. История одного проекта демократизации на Ближнем Востоке // Международная жизнь. – №5. 2007.
27. Пархалина Т. Геополитические прогнозы и Россия // Мировая экономика и международные отношения, №2, 1996.
28. Панарин А. Смысл истории // Вопросы философии. – №9. 1999.
29. Панин Э. Куда движется этнополитический маятник // Н.Г., 27.05.2003.
30. Полянков П.. О некоторых аспектах развития региона // Восток–Oriens. №3, 2003.
31. Расторгуев В. Этнокультурные измерения политики: доктор риска или гарант безопасности? // Вестн. Моск. Ун-та, сер–12, Политические науки. №1, 2007.
32. Русская философия. Малый энциклопедический словарь. – М., 1995.
33. Розов Н. Национальная идея как империя разума // Вопросы философии. – №10. 1997.
34. Расширенные тезисы к дискуссии на тему “Геостратегическое значение Центральной Азии в международных отношениях XIX века // Восток–Oriens. №3, 2003.
35. Рашковский Е. Пласты нетерпимости: философские заметки // Вопросы философии. – №4. 2003.
36. Риттер К. О пространственных отношениях на поверхности земного шара и их влиянии на ход исторического развития человечества // Политические исследования. – №2, 2005.
37. Сагдуллаев А. Псевдоистория Средней Азии – барьер на пути к интеграции // Бизнес–Вестник. Востока, 7.09.2006.
38. Сергеева О., Платонов Г.В. Природный фактор в цивилизационной концепции // Вести. Моск. Ун-та, сер.7, философия, №6, 2001.

39. Сергунин А.А. Проблема национальной и международной безопасности в теории международных отношений. // Вестн. Моск. Ун-та, сер. 13, Социология и политология. – №2, 2004.
40. Симаков К.. Концепция реального времени – деление В.И.Вернадского // Вопросы философии, №4, 2003.
41. Смирнов А. Уровни геополитического сознания // Вестн. Моск. Ун-та, с.12, Политические науки, №5, 1999.
42. Степин В. Философия в эпоху перемен // Вест. Моск. Ун-та, сер.7, философия, №4, 2006.
43. Соловьев В.С. Сочинения. В 2-х томах. – Т.1. – М., 1985.
44. Соловей В. Рождение нации. Исторический смысл нового национализма. // Свободная мысль. – №6. 2005.
45. Солодовник С.В. Агрессивное миротворчество и Центральная Азия // Восток–Оrients. №3, 2003.
46. Трубецкой Н. Европа и человечество. – София, 1920.
47. Хилл Ф., Гедди К. Сибирский холод. Как география России замедлила рыночные реформы // Международная жизнь. – №1, 2004.
48. Иммануил Кант. К вечному миру. 1795. – М., 1972.
49. Коротаева В. Теории национализма в зарубежных социальных науках. – М., 1999.
50. Крымский С.Б. Метаисторические ракурсы философии истории // Вопросы философии. – №6. 2001.
51. Леви М., Варикас Э. Американские предтечи и адепты нацизма // Свободная мысль. – №. 2007.
52. Лесков Д. Философия нестабильности // Вестн. Моск. Ун – та, серия – 7, философия. – №3. 2001.
53. Майкова Г. Стабильность – место хаоса и революций // Бизнес-Вестник Востока, 29.12.2005.
54. Максименко В.И. Расширенные тезисы к форуму // Восток-Оrients. №3, 2003.
55. Мотрошилова Н.В. Варварство как оборотная сторона цивилизации // Вестн. Моск. Ун-та, сер. 7, философия, №4, 2006.
56. Нарочницкая Н. “Русский вызов” – сенсация в политологии // Международная жизнь. – №5. 2001.
57. Никитина Н. Проблема пространства в философии Павла Флоренского // Вестн. Моск. Ун – та, серия-7, философия. – №6. 1998.

58. Touchet M. Elonoliriquez nier et aujourd'hui // Etudes, Paris, 1991. – №4. – P. 329–340
59. Хэлфорд Маккиндер. Взгляд и методы географии. Географическая ось истории. Санкт-Петербург. 1999.
60. Френкин А. Уровни правового сознания. // Вопросы философии. – №9. 2001.
61. Челлен Р. О политической науке, ее соотношении с другими отраслями знания и об изучении политического пространства // Полис, №2, 2005.
62. Цыганков А.П. Что для нас Евразия? Стратегии российского освоения пространства // Вопросы философии, №10, 2003.

**Махамаджан Жакбаров,
Шоҳида Аббасова**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР**

Муҳаррир: А. Тилавов
Техник муҳаррир: С. Қурбонов
Матн терувчи: М. Асқархўжаева
Саҳифаловчи: С. Қурбонов

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 02.01.2014 йилда берилди. Босишга 20.01.2014 йилда рухсат этилди.

Бичими: 60x84^{1/16}. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 3,75.

Нашр б.т. 4,0. Адади: 5000. Буюртма № 4.

Баҳоси шартнома асосида

**«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. Тел/Факс: +998(71) 228-67-73**

«Sano-standart» МЧДЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.


Телефон: +998(71) 228-07-94, факс: +998(71) 228-07-95

E-mail: sano-standart@mail.ru



"SANO-STANDART"
НАШРИЇТИ

ISBN 978-9943-4110-4-3



9 789943 411043